БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 110 (1372)
6 ИЮНЬ ШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Ўртоқ Анвар ХЎЖАГА
Ўртоқ Мехмет ШЕХУГА
Ўртоқ Хожи ЛЕШИГА

ТИРАНА

Сизнинг гўзал мамлакатингиздан жўнаб кетар эканмиз, яхши, чинакам қардошларча эътибор учун ўзимизнинг қизғин ташаккуримизни яна бир марта изҳор этишни истаймиз. Биз мамлакатингизнинг ҳамма ерида ана шундай эътибор билан кутиб олиндик. Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясига кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун Албаниянинг ажойиб халқига, Албания Халқ Республикаси ҳукуматининг раҳбарларига ҳамда Албания Меҳнат партиясига чуқур ташаккур ва миннатдорчилик туйғуларини изҳор этамиз.

Қардош албан халқига, социалистик қурилиш йўлидан дадил бораётган социалистик давлатингизга чин юракдан янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Н. ХРУШЧЕВ,
Маршал Р. МАЛИНОВСКИЙ.

Самолёт бортидан, 1959 йил 4 июнь.

Кутубхоначи

Оржоникидзе районидаги Қибрай қишлоқ кутубхонасига кирган кишининг баҳри-дили очилади. Озода ва шинам қироатхона, актуал темалардаги витрина ва китоб виставкалари, катта стол устига тартиб билан ёзиб қўйилган газета ва журналларнинг янги сонлари кимнинг эътиборини тортмайди дейсиз. Бу ерда ўз касбини севган, ишчан ва камтар кутубхоначи ўртоқ Каримова ишлайди. У кутубхонани ҳамиша гулдек тутади, китобларга жуда эҳтиёт билан қарайди. Бу кутубхонага бир кирган кишининг яна қайтиб киргиси, меҳрибон, маданиятли кутубхоначининг ширин сўзини яна эшитгиси, янгиликлардан хабардор бўлгиси, яқинда келтирилган китобларни олиб ўқигиси келади. Ўртоқ Каримова актив китобхонларнинг нимага қизиқишини, ихтисосини яхши билади, уларнинг дидига мос бошқа асарларни ҳам тавсия қилади. Шундай қилиб, у меҳнаткашларнинг китобга бўлган иштиёқини оширади. Ишчан кутубхоначи колхозларда ҳам тез-тез бўлиб туради. Дала шийпонларига газета ва журналларнинг янги сонларини, китобларни олиб бориб, қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида кенг пропаганда қилади. Ўртоқ Каримова КПСС XXI съезди материалларини пропаганда қилишнинг янги-янги формаларидан фойдаланмоқда.

Ўртоқ Хрушчев КПСС XXI съездида қилган докладида: **«Миллионларча омманинг онглилиги қанча юқори бўлса, коммунистик қурилиш планлари ҳам шунча муваффақиятли бажарила боради. Ҳозирги вақтда меҳнаткашларни, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари ғоят катта аҳамиятга эга бўлишининг сабаби ҳам шудир»**, деб кўрсатган эди.

Ана шу улуғвор ва шарафли вазифани бажаришда, яъни халқнинг активлигини, онглилигини оширишда илм манбаи бўлган китобнинг роли, бинобарин китоб тарқатувчи кишиларнинг вазифаси ниҳоятда масъулиятли ва шарафлидир. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз кутубхоначилик ишига, кутубхона кадрлари тайёрлаш масаласига, ҳар бир колхознинг, ҳар бир корхона ва муассасанинг, ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг ўз кутубхонасига эга бўлишига ва уларнинг зарур бинолар, асбоб-ускуналар ҳамда малакали кадрлар билан таъминланишига ниҳоятда катта эътибор бериб келмоқдалар. Республикамизда 3,5 мингдан ортиқ кутубхона бўлиб, улар меҳнаткашлар ўртасида ижтимоий-сиёсий, фан ва техника, илмий-оммабоп, бадиий адабиётларни кенг тарқатиш иши билан шуғулланмоқдалар.

Областимизда ҳам кутубхоналар тармоғи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу кутубхоналар маърифат ўчоғи, меҳнаткашларнинг маданий дам олиш жойига айланиб бормоқда. Ишчан кутубхоначиларимизнинг ўз вазифаларини сидқидиллик билан бажаришлари натижасида меҳнаткашларнинг китобга бўлган қизиқиши доимо ўсиб бормоқда.

Лекин шу билан бирга областимиздаги айрим кутубхоналарда аҳвол ҳозирги куннинг юксак талаблари даражасида эмас. Кутубхоначилар орасида бу муҳим ва мураккаб ишнинг техникасини яхши билмаган, саводи кам кишилар ҳам бор. Шуни айтиш кифояки, Тошкент область маданият бошқармасига қарашли 360 кутубхоначидан 90 киши ўрта маълумотга ҳам эга эмас. Кўпгина кутубхоначилар махсус билимга, малакага эга бўлмаганлари ҳолда идеология фронтининг бу муҳим участкасида ишламоқдалар. Айрим партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари эса кутубхоналар ишига мутлақо эътибор бермаётирлар. Мирзачўл районидаги Олтинўрда посёлка Советининг раиси ўртоқ Бегалиев қишлоқ кутубхонасини ҳеч қандай сабаб бўлмагани ҳолда ёпиб қўйган. Кутубхоначини эса ишдан бўшатиб юборган. Посёлка меҳнаткашлари ярим йилдан бери кутубхонадан фойдалана олмаётирлар.

Шунингдек, Сирдарё, Верхневолинск, Чиноз районларидаги кутубхоналар ҳам яхши ишламаётир. Бу районларда кутубхоначилар бошқа ишларга жалб этилганлар. Бу фактлар шуни кўрсатадики, айрим район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари кутубхоналар ишига етарли эътибор бермаётирлар. Кутубхоначиларга зарур моддий-маиший шароит яратиб беришмаётир. Уларнинг ўқиши, ўз малакасини эшириши учун имкониятлар тўғдирилмаётир.

Кутубхоначи — партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини оммага етказувчи киши, илғор зиёли ва маърифат тарқатувчи курашчидир. Надежда Константиновна Крупская бундай деган эди: «Кутубхоначилик иши — социалистик қурилишимизнинг муҳим соҳасидир. Бу иш жуда катта аҳамиятга эгадир. Лекин бу иш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган кадрлар томонидан олиб борилсагина, Ленин истаган, коммунистик партия истаган, Совет ҳукумати истаган юқори босқичга кўтарилиб олади. Бу ишга жуда кенг ва асосли тайёргарлик кўриш лозим. Жиддий ўқиш керак. Китобни, кутубхоначилик техникасини жуда яхши билиб олиш, китобхонлар оммаси билан ишлашни билиш, кутубхоначилик ишининг ишқибози бўлиш зарур». Шундай экан, ҳар бир кутубхоначи ўз ишининг моҳири бўлсин. Партия ва совет ташкилотлари эса уларга ҳар тарафлама ёрдам берсинлар, ҳар бир кутубхоначи бу шарафли касб эгаси номига лойиқ ишлар қилсин.

Шундагина китоблар омма ўртасига кенг тарқалади, КПСС XXI съездининг меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялаш соҳасидаги кўрсатмалари амалга ошади.

Н. С. Хрушчев ва Р. Я. Малиновский Будапештга келдилар

БУДАПЕШТ, 4 июнь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳамда СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский Албаниядан ўз Ватанига қайтаётиб, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий комитети ва революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг таклифига биноан ғайри-расмий визит билан бугун Будапештга келдилар.

Ферихедь аэродромида Н. С. Хрушчев ва Р. Я. Малиновскийни Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, ҳукумат раиси Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, ҳукумат вакиллари, СССРнинг Венгриядаги Муваққат ишлар вакили В. В. Астафьев кутиб олдилар.

Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси ҳузурида қабул маросими

БУДАПЕШТ, 5 июнь. (ТАСС). Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ мажлиси раиси Цой Ен Ген бошчилигидаги Корея парламент делегацияси шарафига кеча қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси Ференц Мюнних, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, ҳукуматнинг аъзолари, Корея делегациясининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Мудофаа министри Р. Я. Малиновский, Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Хусни Капо ва Бекир Балуку, шунингдек СССР авиация саноати бош конструктори А. Н. Туполевлар ҳам қабул маросимига келдилар. Ҳозир бўлганлар уларни самимий кутиб олдилар.

Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби ва Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ мажлисининг Раиси Цой Ен Ген нутқ сўзладилар. Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

ҚАРДОШ ТОЖИКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ОБЛАСТИМИЗ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Ғўза парваришидаги қолоқлик тугатилсин

БЕКОБОД. (**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан телефон орқали олинди**). Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг бир группа аъзолари райондаги 1 ва 2- «Далварзин» совхозларида, шунингдек Дзержинский номли, Ленин номли колхозларда бўлиб, ўз мусобақадошлари далаларида ғўза парваришининг бориши билан танишдилар.

Мусобақадошлар районнинг 2- «Далварзин» совхозида бўлганларида Абдуқодир Ҳайдаров бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришини агротехника муддатларида сифатли ўтказаётганликларини кўрдилар. Ленин номли колхознинг Муҳитдин Эрматов, 1- «Далварзин» совхозининг Иброҳим Исмоилов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ўз вақтида озиқлантирилган, қондириб суғорилиб, узунасига ва кўндалангига культивация қилинаётган ғўзалар қулф уриб ўсяпти.

— Бу илғор бригадалар тажрибаси, — дейди ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи, Ленинобод область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Назаров, — биз учун ҳам ўрнак бўларлидир. Ўз зиммасига олган юксак мажбуриятларини тўла бажариш учун курашаётган бу пахтакорлардан ҳурсандмиз.

Лекин район колхоз ва совхозларининг ҳамма бригадаларида ҳам ғўза парвариши қизғин давом эттирилаяпти, деб бўлмайди, албатта.

Мусобақадошлар 1- «Далварзин» совхозининг 3 ва 6- бўлимлари далаларида бўлганларида қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Ҳар икки бўлимда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлиши таъминланмаган. Айрим карталарда бир уяда 6 — 7 тупдан кўчат қолдирилиб, ягана сифатсиз ўтказилган бўлса, айрим карталарда ола чиққан ерларга вақтида қўшимча чигит экилмаганлиги сабабли ғўза тупларининг ниҳоят даражада сийрак. 3- бўлимнинг бир қатор бригадаларида ғўзаларни бегона ўтлар қоплаб олганлиги ва бу ўтларни йўқотишга киришилмаганлиги мусобақадошларни ранжитди.

Айниқса, 2- «Далварзин» совхозининг 6-бўлимидаги ўртоқ Қорабеков бошчилик қилаётган бригадада ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу бригада далаларида ҳам ўт сероб. Ғўза тупларининг ҳаддан ташқари сийрак. Бўлим бошлиқлари, қолаверса совхоз раҳбарлари йўл қўйилаётган бу камчиликларни бартараф қилиш, шунингдек қолоқ бригадаларнинг ғўзаларини илғор бригадаларнинг ғўзаларига тенглаштириб олиш тўғрисида етарли ўйлаб кўрмаётирлар. Агар улар олинган юксак мажбуриятни бажариш учун астойдил киришганларида, ўзларига топширилган вазифага масъулият билан қараганларида эди, бу камчиликларнинг аллақачон олди олинган бўлар эди.

Мусобақадошлар совхознинг 7- бўлимида бўлганларида ғўзани суғориш ишига ўтакетган даражада масъулиятсизлик билан қарадаётганлигини кўрдилар. Айрим карталарга ёппасига сув қўйилганлиги сабабли пушталарни қатқалоқ босиб, ғўза илдизларини шикастлантирган. Айрим карталарда эса сув оёқламай, ғўзалар чанқаб қолган.

Ана шундай аҳволни районнинг Ленин номли, Дзержинский номли колхозларида ҳам учратиш мумкин. Ҳар иккала колхозда мавжуд техникадан, ишчи кучларидан етарли фойдаланилмаётганлиги сабабли бир қатор қолоқ бригадаларда ғўзалар нормал ривожланмаяпти. Бу колхозларнинг раҳбарлари илғор бригадалардаги дуруст ғўзалар кўкини кўриб, хотиржамланмасликлари, барча майдонда ғўзаларнинг бир текис ривожланиб, ёппасига шонага киришини таъминлашлари, бунинг учун озиқлантириш, суғориш ва культивация ишларини белгиланган агротехника муддатларида сифатли ўтказишлари керак.

Ўзаро текширишни якунлашга бағишланган йиғилишда мусобақадошлар ана шулар ҳақида Бекобод пахтакорларига ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар ва район меҳнаткашлари ўз ишларида кескин бурилиш ясаб, зиммага олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун курашадилар, деб ишонч билдирдилар.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Ҳақли эътироз ва қимматли маслаҳатлар

СИРДАРЁ. (**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан телефон орқали олинди**). Районда 14 минг 808 гектар пахта майдонидаги ғўзанинг 14 минг 316 гектари узунасига ва кўндалангига парвариш қилинаяпти. «Малик» совхози ва колхозларда 67 та трактор-далачилик бригадаси тузилганлиги ва улар 4 минг 467 гектар ерда мўл ҳосил етиштириш учун курашаётганликлари, шу мақсад билан ишчилар ҳаракати кенг авж олдирилганлиги чиндан ҳам кишини хурсанд қилади.

Мана, тожикистонликлар «Ҳақиқат» колхозининг ўртоқ Хасанқулов бошлиқ бригадаси пахта далаларида. Вақтида озиқлантирилган, қондириб суғорилган ва икки марта узунасига ҳамда кўндалангина сифатли культивация қилинган ғўзалар дала бетини қоплаб, мана ман деб ўзини кўрсатиб турибди. Улар бу муваффақиятга ишчи кучларидан, айниқса, техникадан унумли фойдаланаётганликлари, ишнинг кўзини билиб қилаётганликлари туфайли эришмоқдалар. Ленин номли колхознинг ўртоқ Абдураимов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида ҳам ғўза парвариши кўнгилдагидек ўтказилмоқда.

Мусобақадошлар илғор бригадаларнинг намунали ишларидан хурсанд бўлдилар-у, бироқ «Малик» совхозида бўлганларида ғўза парвариши соҳасида йўл қўйилаётган қатор камчиликларни кўриб, мусобақадошлари ишидан ранжидилар. Совхознинг 3-бўлимидаги ўртоқ Петро бошлиқ бригаданинг 90 гектар пахта майдонидан 70 гектарини ўт қоплаб ётибди. Ана шундай ўт ичида қолган ғўзалар совхозда 350 гектарни ташкил қилади.

Бунинг асосий сабаби қаерда? Ҳамма ган шундаки, совхоз раҳбарлари оғизда кўп ишни битириб юборадилар-у, амалда эса ғўза парваришига жон қойитиб раҳбарлик қилмайдилар.

Совхозда техникадан ҳаддан ташқари ёмон фойдаланилмоқда. 51 та универсал билан 27 майдан 1 июнга қадар 750 гектар ердаги ғўза культивация қилинган. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир универсалнинг бир кунда қилган ҳар хил иши 4—4,5 гектардан ошмайди.

Мусобақадошлар Тарас Шевченко номли колхознинг Жўра Равшанов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида бўлганларида умуман меҳнат ёмон ташкил қилинмаганлигини айтдилар. Лекин айрим карталардаги ғўзалар ҳали жуда ёш. Мусобақадошлар бу ғўзаларни алоҳида парвариш қилиш ва ёппасига шоналаган ғўзаларга етказиб олиш тўғрисида ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар.

Шу колхознинг Қ. Номозов бошлиқ бригадасида ғўзалар ёппасига шонага кирган. Афсуски, бригада бошлиғи ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб, яганалашни сифатли ўтказишга эътибор бермаган. Ҳар уяда 7 — 8 тупдан кўчат қолдирилган. Ўз-ўзидан маълумки, ортиқча кўчатлар қолдирилиши лозим бўлган кўчатларнинг насибасига шерик бўлмоқда.

Ленин номли колхознинг айрим бригадаларида суғориш ишларига етарли эътибор берилмаяпти. Ўртоқ Абдураимов бошлиқ бригадада катта бир картага таралган сув эгасиз қолган. Яъни масъулиятни сезмаган сувчи уйига кетиб қолган. Натижада бир неча гектар ердаги ғўзани сув эзиб юборган.

Мусобақадошлар қатор колхозларда минерал ўғитга ғўнг аралаштирмасдан ерга солинаётганлигини аниқладилар ва бу камчиликни тезда тугатиш тўғрисида маслаҳат бердилар.

Сирдарё район пахтакорлари, тожикистонлик пахтакорларнинг вакиллари томонидан кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф қилиш ва уларнинг маслаҳатларига амал қилиб, ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириб юбориш чораларини кўришлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ.

Қардош Тожикистон пахтакорлари ўзаро текшириш бригадаси аъзоларининг бир группаси Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз пахта далаларида бўлиб, ғўза парваришининг бориши билан чуқур танишдилар. Улар айниқса, ўртоқ Рустамов бошлиқ 5-бригаданинг ишидан мамнун бўлдилар. Суратда: Тожикистон пахтакорлари 5-бригада даласида.

М. Щевелев фотоси.

Ҳурмат тахтаси

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Боёвут районидаги **«Коммунизм»** колхози (раиси **Латипов**, партия ташкилотининг секретари **Курбонов** ўртоқлар). Бу колхоз пилла топшириш планини 120,4 процент бажарди. Қўшимча равишда 200 килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.

Ўрта Чирчиқ районидаги **Куйбишев** номли колхоз (раиси **Йўлдошева**, партия ташкилотининг секретари **Оқбердиев** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 102,3 процент бажарди. Қўшимча равишда 900 килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.

Чиноз районидаги **«Узбекистон ССР 30 йиллиги»** колхози (раиси **Аҳмедов**, партия ташкилотининг секретари **Мирахмедов**, комсомол комитетининг секретари **Абдуллаев** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 101,1 процент бажарди. Қўшимча равишда бир тонна пилла топшириш мажбурияти олинди.

Қорасув районидаги **Ленин номли** колхоз (раиси **Нормуҳамедов**, партия ташкилотининг секретари **Мирзаев** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 101,2 процент бажарди. Қўшимча равишда бир тонна пилла топшириш мажбурияти олинди.

Бўстонлиқ районидаги **«Қозоғистон ССР 30 йиллиги»** колхози (раиси **Исмоилов**, партия ташкилотининг секретари **З. Зеабаев** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 109,6 процент бажарди. Қўшимча равишда 275 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олди.

Юқори Чирчиқ районидаги **Сталин номли** колхоз (раиси **Талаббоев**, партия ташкилотининг секретари **Сарибоев** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 100,1 процент бажарди. Қўшимча равишда 1,5 тонна пилла топшириш мажбуриятини олди.

Оржоникидзе районидаги **Хрушчев номли** колхоз (раиси **Мухсимов**, партия ташкилотининг секретари **Юсупов** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 101,6 процент бажарди. Қўшимча равишда 1200 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олди.

Янгийўл районидаги **Ленин номли** колхоз (раиси **Қўчқоров**, партия ташкилотининг секретари **Тўйчиев** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 100,2 процент бажарди. Қўшимча равишда 1500 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олди.

Шу райондаги **Свердлов номли** колхоз (раиси **Мусаев**, партия ташкилотининг секретари **Усмонов** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 106,5 процент бажарди. Қўшимча равишда бир тонна пилла топшириш мажбуриятини олди.

Чиноз районидаги **«Қизил Октябрь»** колхози (раиси **Рустамов**, партия ташкилотининг секретари **Исмоилов** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 101,1 процент бажарди. Қўшимча равишда 500 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олди.

Юқори Чирчиқ районидаги **«III Интернационал»** колхози (раиси **Нишонбоев**, партия ташкилотининг секретари **Уразаев** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 100,3 процент бажарди. Қўшимча равишда 800 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдинди.

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Областимиз меҳнаткашлари давлатга пилла топшириш планларини бажарганларидан кейин олинган социалистик мажбуриятни бажарди ва ортиқ ҳосил етиштирилган пилла ҳосили ўз вақтида нобуд қилинмай, қабул қилиш пунктларига топширилди. Натижада 3 июнга келиб, областимиз бўйича топширилган пилла ҳосили роса 900 тоннани ташкил қилди ва мажбурият ҳам ортиғи билан бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтида топширилган пилла ҳосилига нисбатан 225 тонна ортиқдир. Областимизда пилла топшириш шу кеча-кундузда ҳам давом этмоқда.

Область районларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 5 июнгача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Бир кунлик ўсиши	Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Бир кунлик ўсиши
Мирзачўл	148,8	0,2	Оққўрғон	94,1	0,8
Верхне-волинск	147,5	0,3	Пискент	85,6	1,4
Куйи Чирчиқ	145,0	—	Бекобод	84,8	0,4
Урта Чирчиқ	138,8	0,2	Олмалиқ шаҳри	80,1	—
Боёвут	134,9	—	Бўка	79,1	3,4
Гулистон	131,4	0,7	Юқори Чирчиқ	75,2	4,4
Калинин	128,3	1,6	Оҳангарон шаҳри	74,2	—
Қорасув	127,7	0,7	Бўстонлиқ	69,9	10,1
Чиноз	124,3	0,1	Паркент	40,0	—
Янгийўл	121,6	0,5	Янгиер шаҳри	14,3	5,0
Оржоникидзе	120,4	0,9			
Сирдарё	118,0	—	Область бўйича	104,0	1,7

Бинокорларнинг республика кенгаши

5 июнда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида бинокорларнинг республика кенгаши очилди. Кенгашда Ўзбекистондаги барча қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ходимлари, область ва шаҳар партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетларининг раҳбарлари, Халқ хўжалиги кенгашларининг вакиллари қатнашмоқдалар. Москва, Тожикистондаги қурилиш ташкилотларининг вакиллари меҳмон сифатида қатнашмоқдалар.

Президиум столи ёнида М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Р. Е. Мельников, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон касаба союзлари совети раиси С. Н. Нуритдинов, республика Госплани раиси С. К. Зиёдуллаев ва бошқалар ўтирибдилар. Президиумда қурилишларнинг илғорлари ва новаторлари ҳам бор. Булар орасида 159-трест гишт терувчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. И. Карталов ва 161-трест комплекс бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Боҳидов, Тошкент темир йўли қурилишининг донгдор гишт терувчиси С. Комиловлар ҳам бор.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. А. Абдураззоқов очди.

Республика қурилиш министри С. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри В. А. Билбас, Ўзглавсельстрой бошлиғи З. З. Калонов Ўзбекистон бинокорларининг 1959 йилда капитал қурилиш планини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида доклад қилдилар.

Кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

Янги техника ва прогрессив технологияни кенг жорий этайлик!

☆ ☆ ☆

Ҳамдамжоннинг янги таклифи

Ҳамдамжон бугун ишга барвақтроқ келди. Бир неча кундан буён бутун хаёлини банд қилган фикрлари йигитга ўйда ўтириб дам олишга имкон бермади. Поршиндаги тешикка чанг тушмаслиги учун бирон қулайроқ усул топиш керак. Акс ҳолда поршин кирланиб, тез-тез ишдан чиқмоқда, уни ремонт қилиш учун ортиқча куч, ортиқча вақт сарфланаётир. Ҳамдамжон сўнгги кунларда ана шу поршин устида ўйларди.

У цехга кирганида ҳали биринчи смена тугамаганди, иш авжида, ўнлаб станоклар тинимсиз гуриллар эди. Цех бошлиғи Артюнов Ҳамдамжонга кўзи тушгач, узоқдан қўлоч очиб кела бошлади, бошлиқ жуда хурсанд кўринарди.

— Табриклайман, — деди Армаис Аркадьевич, — табриклайман.

Ҳамдамжон таажжубланиб елкасини қисиб қўйди.

— Ҳали ўз фикримни ҳеч кимга айтганимча йўқ эди-ку?

— Яна бирон янгилиқ ҳақида ўйладингми?! — ўз навбатида Армаис Аркадьевич ҳам таажжубланди...

Ҳамдамжон депонинг техника кенгашига бир неча ой аввал қирқувчи ва рандаловчи станокларда электромоторнинг шестернясини валга тўғрилаш, втулкани силлиқлаш учун махсус мосламалар ўрнатиш ҳақида икки таклиф тақдим этган эди. Бу янгиликларни техника кенгашига тавсия этишдан аввал Ҳамдамжон уларни ўз станокларида қўлланиб кўрган, яхши натижаларга эришган эди. Ана шу таклифлар кеча техника кенгашида бир овоздан қабул қилинди.

Бу Ҳамдамжоннинг биринчи таклифи эмас эди. Йигит станокларнинг айрим деталларини қайта конструкция қилишда, тепловознинг бир хил қисмларини ихчамлаштириш, арзонлаштириш ва чидамли бўлишда наф берадиган 5 таклифни бундан аввал ҳам киритган, буларнинг ҳаммаси ҳам депо техника кенгаши томонидан қабул қилиниб, станок ва тепловозларда кенг қўлланилган эди.

Ҳамдамжон Шорасулов бундан ўн икки йил муқаддам Тошкент тепловоз депосига биринчи марта қадам қўйганида ҳали жуда ёш, тажрибасиз ўспирин эди. Темир қирқувчи Михаил Прохорович уни ўз тарбиясига олди, оталарча меҳрибонлик қилди, ҳунарини ўргатиб, йигитни вояга етказди. Ҳамдамжондаги техника ишларига, янгилик яратишга бўлган зўр ҳавас ва кучли майлни сезиб, уни йўлга солишда қўлидан келганича кўмакдашди, ўз ишига садоқат билан қарашга, касбини севиб, малакасини тинмай оширишга ўргатди. Мана бир неча йилдирки, Ҳамдамжон депонинг энг илғор ишчиси.

...Армаис Аркадьевич камтарлик билан жилмайиб турган Ҳамдамжонга яқинроқ келди:

— Нега жим бўлиб қолдинг, тезроқ айтақол!—дея қистади уни.— Яна бирон янгилик ўйладингми?

— Ўйладим эмас, макетини тайёрлаб ҳам қўйдим.

Ҳамдамжоннинг фикрича, поршиндаги тешик ифлосланмаслиги учун ундан ўтадиган гилдиракни конус шаклида тайёрлаш керак.

— Агар шундай қилинса, биринчидан...

Ҳамдамжон ўзи таклиф этаётган вариантнинг афзалликларини санай кетди.

— Ҳеч шубҳасиз, бу фойдали таклиф, — деди цех бошлиғи шодлиги ошиб. Кейин бригада бошлиғи Иван Петровичга мурожаат қилди.

— Журавлев, эшитдингми? Бери кел!

Журавлев Ҳамдамжоннинг янги таклифи билан аввалдан таниш эди. Ҳатто йигитнинг айрим чалкаш фикрларини тўғрилаган ва бу методни тезроқ синаб кўришни маслаҳат берган ҳам унинг ўзи эди.

— Агар, мумкин бўлса, — деди Журавлев қўли билан ҳурмат тахтасини кўрсатиб, — мен Ҳамдамжоннинг яна бир расмини ўша ерга осиб қўярдим.

— Ҳа деб мақтайберма, кадрни бузиб қўясан, — деди цех бошлиғи ҳазиллашиб.

Сўнгра учовлари маслаҳатлашиб, Ҳамдамжоннинг янги таклифини депо техника кенгашига тақдим этишга қарор қилишди.

Ҳамдамжон ишга тушар экан, унинг қалби шодлик севинчлари билан тўлиб-тошган эди. Чунки унинг яна бир таклифи қўлланиш олдида.

Х. ТУХТАБОЕВ.

ПЛЕНУМ ШАРАФИГА

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати иккинчи йигирув фабрикаси коллективи ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилиш кунигача бажариш мажбуриятини олди. Улар қўлда бажариладиган кўпгина ишларни механизациялаш, иш шароитларини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини янада камайтиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда фабрика цехларида чиқиндиларни ташийдиган иккита янги машина ўрнатилди. Бу, корхона учун 28 минг сўм фойда келтиради. Шунингдек ЛС-235-1, ЛС-235-2 маркали ип улаш машиналари ҳамда ЛВ-2-32 маркали лентали станокларнинг ишга туширилиши қўл билан бажариладиган қатор процесларни механизациялаш имконини берди. Бундан ташқари яқин кунларда ХВ-665 маркали ип эшиш машинаси ҳам ишлай бошлайди.

Етти йилликнинг биринчи йилида камида 600 минг сўмлик маблағни иқтисод қилишга бел боғлаган корхона рационализаторлари ўтган ойлар давомида 46 та таклиф киритдилар. Шундан 32 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Ҳозир корхонада рационализаторларнинг ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш бўйича 8 та комплекс механизациялашган бригадаси ишлаб турибди.

Т. АЛИМОВ.

Тошкентдаги экскаватор заводининг коллективи КПСС Марказий Комитети Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил кураш олиб бормоқда. Суратда: корхонанинг илғор слесари, КПСС аъзолигига кандидат Раҳим Ҳамроқулов. У шу кунларда смена топшириқларини 200 процентга етказиб ado этаётир.

В. Панов фотоси.

Ўрнак олса арзийди

«Учинчи беш йиллик» артелига қарашли гишт заводи яқинда реконструкция қилиниб, ишга туширилди. У янги техника ва механизмлар билан тўла қуролланган бўлиб, ҳозир аввалгига қараганда анча кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Ҳали яқиндагина хом гишт офтобда қуритилар, уларни 30-40 ишчи қўлда ташиб келиб, ерга ёяр эди. Завод реконструкция қилингач, хом гишт кучли вентиляцияга эга бўлган қуритиш тоннелларида қуритиладиган бўлди. Аммо гиштни ана шу тоннелларга ташиб келтириш иши қўл меҳнатига асосланган бўлиб, маҳсулот таннархини бирмунча қимматлаштириб юборарди.

Рационализатор-слесарь Лоренц Кромер ана шу ишни механизациялашга киришиб, гиштларни механик усул билан ташиб келтирувчи электр турткич деб аталадиган янги механизм ижод қилди.

Бу техника янгилиги рельслар устида ҳаракат қилувчи аравачадан иборат бўлиб, уни бошқарувчи ишчи махсус кресло олдига ўрнатилган кнопкаларнигина босади, холос. Ишчи бир кнопкани босиши билан вагонетка механик аравача устига чиқиб олади, иккинчи кнопкани босгач, электр турткич вагонеткадаги гиштларни қуритиш камераси томон олиб кетади. Хуллас, гиштни ортиш, уни камерага етказиб бериш, камера эшикларини очиш ва ёпиш, бўшаган вагонеткаларни аввалги жойига қайтариб келиш ишлари тўла механизациялаштирилди.

Слесарь Кромернинг бу таклифи гишт ишлаб чиқаришни бирмунча кўпайтириш, ишчиларнинг оғир меҳнатини енгиллаштиришга олиб келди.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми очилиш кунини меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун жонбозлик кўрсатиб ишлаётган илғор рационализатор Л. Кромер ҳозирги кунда яна бир янги агрегат яратиш устида иш олиб бормоқда. Бу таклифнинг амалга оширилиши гишт тушириш ишларини механизациялаш ва шу иш билан шуғулланиб келаётган ишчилар сонини қисқартириш имконини беради.

Л. БЛИНДЕР.

Янгийўл шаҳри.

ФАН ва ТЕХНИКА Янгиликлари

ДУНЕДА ЭНГ КУЧЛИ ДОМНА ПЕЧИ

Металлургия заводларини лойиҳалаштириш давлат институти — «Гипромез» илмий ходимлари ҳажми 2700 кубометр бўлган дунёдаги энг кучли домна печининг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бу печдаги асбоб-ускуналар илгариги асбоб-ускуналардан фарқ қилмасада, лекин чўян эритишнинг янги технологиясини — газ ва кислород пуркаш йўли билан печнинг қуввати оширилади.

Печь бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 4 минг 500 тоннадан то 5 минг 500 тоннагача чўян эрита олади. Бу кўрсаткич ҳозирда ишлаб турган домна печларининг қуввати қараганда икки баравардан ҳам ортиқдир.

ОЛМОС СТАНОК

Свердловск шаҳрининг машинасозлик заводлари олмосни қайта ишловчи корхоналар учун мураккаб ва такомиллашган асбоб-ускуналарнинг янги-янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Яқинда Воровский номли завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари «ЗИВ — 150А» маркали олмос станоқнинг янги турини тайёрлашни ўзлаштирдилар.

Учига олмос қалпоқчаси ўрнатилган бу установка чуқурлиги 150 метргача бўлган скважинларни қазий олади. Янги станокнинг кўпгина узеллари илгариги конструкциядаги машиналардагига қараганда 2-3 баравар енгилдир.

Шуниси қувончлики, бу мукаммал станокнинг конструкциясини шу корхона инженерлари яратдилар. Ламанов, Писарев ва Гейнрих ўртоқлар установка лойиҳасининг авторларидир. «ЗИВ — 150А» станоги СССР халқ хўжалигининг муваффақиятлари виставкасида намойиш қилиб кўрсатилади.

СУНЪИЙ ҚОҒОЗ

Кимёгар олимлар найлон, орлон, дакрон сингари синтетик (сунъий) толалардан қоғоз олиш устида кўп йиллардан бери тадқиқотлар ўтказиб келадилар. Ҳозир бу соҳада баъзи муваффақиятлар қўлга киритилди. Синтетик тола 3—6 миллиметрли бўлакларга майдаланиб, қоғоз массаси ясалади. Бунинг натижасида ҳосил бўлган сунъий қоғоз кимёвий тузларга, бактерияларга чидамли бўлади, намгарчиликда, иссиқда бузилмайди, ёнмайди, бўлинмайди, синмайди, узоқ вақт хизмат қилади. «Папертекс» деб аталган бундай найлон қоғозни Америка кимё заводларидан бири ишлаб чиқара бошлади. Найлон қоғоздан ҳужжатлар тайёрлаш, кўп рангли бадиий суратлар солиш каби ишларда, рангли ва оддий фотосуратлар тушириш-да фойдаланиш мумкин.

„Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи“ дарслиги босилиб чиқди

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи» дарслигини босиб чиқарди.

Дарсликда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихи Россияда ишчилар ҳаракатининг бошланиши ва марксизмнинг тарқалишидан бошлаб СССР нинг коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйишига қадар қисқача баён этиб берилган.

Дарсликни СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси Б. Н. Пономарев (раҳбар), профессор И. М. Волков, тарих фанлари кандидати М. С. Волин, тарих фанлари кандидати В. С. Зайцев, тарих фанлари доктори А. П. Кучкин, академик И. И. Минц, иқтисод фанлари кандидати Л. А. Слепов, философия фанлари кандидати А. И. Соболев, тарих фанлари кандидати А. А. Тимофеевский, СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси В. М. Хвостов, тарих фанлари доктори Н. И. Шатагинлардан иборат авторлар коллективи тайёрлади.

Дарслик кўп нусхада нашр этилган.

Моҳир сут соғувчи

Исми жисмига монанд бўлган Заркент қишлоғининг манзарасига ҳар қанча завқланиб қарасангиз ҳам сира-сира тўймайсиз. Қанча кўп қарасангиз шунча баҳри-дилингиз очилиб, ўзингизни ниҳоятда тетик ва енгил ҳис қиласиз. Ҳали кўклам нафаси кетмаган паст-баланд қирларда, тепалик ва адрларда кўм-кўк ўт-ўланлар, чамандек очилиб ётган лолалар, энди бошоқ чиқариб келаётган арпа-бўғдойлар тоғдан эсаётган майин шабада билан аста чайқалади.

Биз табиатнинг гўзал манзарасига маҳлиё бўлиб турганимизда ферма ёнидаги уйдан ўрта ёшли бир аёл ва ёшгина бир йигит чиқиб, биз томон келаберди. Биз улар билан саломлашиб, танишдик. Аёл қишлоқ Советининг депутати, моҳир сут соғувчи Улуғби Нишонова экан. У бизни шинам ва топ-тоза сўрига таклиф этди.

Колхозда чорвачиликнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган суҳбатдошимиз ўзи ва ҳамкасблари ҳақида берган саволларимизга ийманиб бўлса ҳам аниқ жавоб бериб ўтирди.

Улуғби Нишонова қарийб 4 йилдан бери Ленин номли колхознинг сут фермасида ишлайди. Дастлабки йилларда сигир ҳам, улардан соғиб олинадиган сут ҳам кам эди. Ҳар бир сигирдан бир кунда соғиб олинадиган сут 8-10 литрдан ошмасди. Сигирлар яхши тўйдирилмаган кунлари сути бундан ҳам камайиб кетар эди.

— Сутнинг кўпайиши парваришга боғлиқ экан, — деди Улуғби, — сигир қанча тўйиб овқат еса, қанча тоза тутилса, шунча кўп сут беради.

Ҳозир депутатимиз 20 сигирни боқиб, уларнинг атрофида парвона бўлиб, меҳр билан парвариш қилади. Оғилхона тозалаб қўйилган. Яқиндаги яйловда ўтлаб юрган олачипор сигирларнинг сағриси қуёш нурида товланади.

Колхозчилар Улуғби Нишоновага катта ишонч билдириб, уни қишлоқ Советига депутат қилиб сайладилар. Бу ишонч унинг масъулиятини янада оширди. «Депутат бўлганингдан кейин, бошқаларга намуна бўлиш керак» деган тушунча сайлов куниёқ унинг фикри-ёдини чулғаб олган эди. Яхши ният ёрти мол, деганларидек бу инсоний туйғу уни яна олдинга етаклади. Ҳар бир сигирдан сут соғиб олишда районда биринчи ўринга чиқди. Бу колхоздагина эмас, балки районда ҳам ҳаммага намуна демакдир.

Улуғби Нишонова меҳр қўйиб парвариш қилаётган сигирларнинг олди ҳар куни 18 литрга етказиб сут беради. 20 сигирдан ўрта ҳисобда 300 литр сут соғиб олмоқда. У ҳар бир соғин сигирдан 2275 килограмм сут соғиб олиш мажбуриятини олган эди. Ҳозирнинг ўзида мажбуриятнинг 60 процента миқдорида сут соғиб олинди. Ваҳоланки, Улуғби опанинг айтишига қараганда, сигирлар пишган ўтни еб, бундан буён яна сутга киради. Табелчининг ҳомчўтига кўра депутатимиз ҳар сигир бошига қарийб 2600 килограммдан сут соғиб, олинган мажбуриятни бажариши мумкин.

— Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, иним,— деди сут соғувчи, рақамларни санаётган табелчига қараб, — ҳамма гап мусобақадошларимизни кетимиздан эргаштириб боришда. Агар уларни ўзимизга етказиб олсак, балки ўздириб юборсак, шундагина колхозга кўпроқ нафимиз тегади.

Ўртоқ Нишонованинг бу сўзлари шунчаки айтилган гап эмас. У депутат сифатида сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этди. Мусобақадош сут соғувчилардан Қумри Турдиева, Турсун Нуриддинова ва бошқа ўртоқлар илғор сут соғувчига етиб олиш учун интилмоқдалар. Бу, фермада осиғлиқ турган кўрсаткич тахтадаги рақамларда равшан кўриниб турибди.

Депутат Нишонова моҳир сут соғувчигина бўлиб қолмай, меҳрибон она ҳамдир. У умрдоши Тожибой ота билан беш фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда. Унинг катта ўғли Шодибой Тошкентдаги «Автошкола»-да ўқимоқда. Икки ўғли — Жўрабой билан Холбой ўрта мактабни битириб, колхоз ишлаб чиқаришида қолишди. Қизи Мовлуда 2-синфда ўқийди. Колхознинг жўшқин меҳнат ҳаётида бахтиёрлик билан кун кечираётган бу оилага ҳар кимнинг ҳам ҳаваси келади!

Оқшом. Боғни ороғбахш манзара янада ранг-баранг, янада салобатлироқ бўлиб, кўз ўнгимизда гавдаланади. Эндигина қир орқасига ялтираган қуёшнинг сўнгги нурлари баланд тоғ чўққиларини ёритиб турибди. Кеч кирганини пайқаб, фермага қайтиб келаётган сигирлар, қўй ва эчкилар, кўзи ва такаларнинг турли оҳангда маъраШлари кишига алоҳида бир завқ бағишлайди.

Рух чалак кўтариб, ферма ҳовлисига чиққан Улуғби опа ва унинг оила аъзолари биз билан самимий хайрлашиб қолишди. Адрнинг этагидаги катта йўлга тушгунимизча биз ҳам улардан кўз уза олмадик.

А. МИРБОБОЕВ,
Паркент райони.

ПРОПАГАНДИСТ ВА АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ

Партия раҳбарлиги — коммунизм ғалабасининг энг муҳим шарти

Марксизм-ленинизм социалистик революция ғалаба қилганидан кейин пролетариат диктатураси шароитида Коммунистик партиянинг роли заифлашмай, балки, аксинча, кучайиб боради, деб таълим беради. Революцион кураш тажрибаси буни исбот этди. В. И. Ленин янги ижтимоий тузум қурилишини улуғ ташкилотчи ва етакчи куч бўлган Коммунистик партиянинг фаолияти билан доим чамбарчас боғлаб келди. «Идора қилиш учун,— деган эди В. И. Ленин,— чиниққан революционер — коммунистлар армиясига эга бўлиши керак, бундай армия бор, бу армия партия деб аталади» (Асарлар, 32 том, 51-бет).

Партиянинг раҳбарлиги совет халқи эришган барча ғалабаларнинг энг муҳим манбаи бўлди. Партиянинг раҳбарлиги мамлакатимизнинг социализмдан муваффақиятли суратда коммунизмга ўтишнинг энг асосий шартидир. Бизнинг мамлакатимизда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилди.

КПСС XXI съездининг резолюциясида бундай дейилади: «Социализм ва коммунизм ғалабаси учун олиб борилаётган курашнинг бутун тажрибаси коммунистик жамият қурилиши процессида халқнинг синаллан авангарди ва ижтимоий ташкилотнинг олий формаси бўлган партиянинг роли тобора ошиб боришини кўрсатмоқда».

Коммунизм қурилиши — мураккаб ва кўп тармоқли процессдир. Бу қурилишга раҳбарлик қилиш учун энг илғор революцион назария — марксизм-ленинизм назарияси асосида ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларини чуқур билиш ва улардан моҳирлик билан фойдаланиш талаб этилади. Коммунистик партия ана шу жуда муҳим хисоблаларга тўла ва тамомила эгадир. Коммунистик партия ўз сиёсати, стратегияси ва тактикасини жамият моддий ҳаётининг етилган эҳтиёжларига мувофиқ суратда қуради, Коммунистик партия бу соҳада марксча-ленинча таълимотга амал қилиб, бу таълимотни ижодий татбиқ этиб ва ҳозирги замоннинг конкрет шароитларида ривожлантириб, меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб иш кўради. Партия ва халқнинг ижодий меҳнати натижасида мамлакатимизнинг экономикаси тўхтовсиз юксалиб бораётган экан, жамоат бойлиги йил сайин кўпайиб, совет халқларининг фаровонлиги ошиб бораётган экан, бунинг маъноси шуки, партия коммунизм қурилишини тўғри йўлдан олиб бормоқда, марксча-ленинча назария амалга оширилмоқда, тантана қилмоқда ва ривожланиб бормоқда.

Коммунистик партия ҳар бир янги босқичда тарихий тараққиёт ҳалқасидаги асосий, ҳал қилувчи звенони топа олади, етилган вазифаларни амалга оширишга оммани отлантира олади ва шу йўлда уюштира олади, олга қараб қилаётган ҳаракатимизга халқит берувчи, эскилик, қолоқликни дадил бартараф қила олади.

Партия кейинги йилларда КПСС XX съездининг қарорлари, Марказий Комитет Пленумлари қарорлари асосида коммунистик қурилишнинг назарий ва амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлган бир қанча муҳим масалаларини ҳал этди. Демократик централизмнинг ленинча принципи асосида саноат ва қурилишга раҳбарлик қилишнинг қайта ташкил этилганлиги, машина-трактор станцияларнинг қайта ташкил этилганлиги ва колхоз тузумининг янада ривожлантирилганлиги, мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи системасини қайта қуриш соҳасидаги тадбирлар ана шундай масалалардандир. Партия томонидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилиши саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришга, давлатимизнинг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбия ишларини кучайтиришга ёрдам берди.

Совет мамлакати ўз тараққиётининг янги тарихий даврига қадам қўйган ҳозирги пайтда марксча-ленинча назариянинг социализмдан коммунизмга ўтиш билан боғлиқ бўлган масалалари жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. КПСС XXI съезди бу масалаларни ҳар томонлама, чуқур кўрсатиб берди, марксизм-ленинизмнинг коммунизмнинг икки фазаси ҳақидаги, социализмнинг коммунизмга ўсиб ўтиш қонуниятлари тўғрисидаги энг муҳим қоидаларини ривожлантириди. Бу эса партиянинг коллектив ақл-идроки марксча-ленинча назарияни ижодий тарзда ривожлантириб бойитаётганлигини, истиқболга олиб борадиган янги йўлларни дадил очиб бераётганлигини ёрқин кўрсатувчи намунадир.

Коммунистик партия мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларнинг ижодий ғайратини бир бутун куч қилиб бирлаштиради ва умумий буюк мақсадга бўйсундиради. Коммунистик партия жамоат ташкилотининг олий формаси бўлиб, меҳнаткашларнинг барча ташкилотлари бажараётган ишларига йўл-йўриқ кўрсатади. Партия ўзининг бошланғич ташкилотлари орқали, партия билан оммани боғловчи воситалар — Советлар, касаба союзлари, комсомол орқали ва меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотлари орқали совет халқи ҳаётининг ҳамма томонларига таъсир кўрсатади, хўжалик ва маданий турмушнинг барча соҳаларига раҳбарлик қилади.

Партия ўз фаолиятида оммани ижодий кучига, унинг ижодий ғайрати ва ташаббусига суянади. Партия ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини, мамлакатимиз халқларининг дўстлигини тинмай мустаҳкамламоқда, социалистик демократияни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳақида, меҳнаткашларни давлатни бошқариш, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишга тобора кенг жалб этиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Ейнинги йилларда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасила иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилди. Советлар, касаба союзлари, комсомолнинг роли ва меҳнаткашларнинг бошқа оммавий ташкилотларининг роли оширилди.

КПССнинг XXI съезди давлат бошқармаси органларининг бир қанча функцияларини аста-секин жамоат ташкилотлари ихтиёрига топшириш йўлини белгилади. Бу йўлни турмушнинг ўзи тақоза этди. Бу эса совет социалистик демократияси юксак формада ривожланиб бораётганлигини ифода этади. Бундай шароитда, В. И. Ленин таъбирича, барча кишилар жамиятнинг барча ишларини бошқаришни ўрганадилар ва амалда ана шу ишларни мустақил бошқарадиган бўлиб қоладилар. Ана шундай перспективани эътиборга олганда, меҳнаткашлар жамоат ташкилотларининг аҳамияти, Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва ташкилотчилик роли тобора кўпроқ ўсади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев инглиз журналисти А. Магдональд билан қилган суҳбатида Совет давлати функцияларининг ўзгариб бориш процессини характерлаб, бизнинг мамлакатимизга ижтимоий ҳаёт марксизм-ленинизмнинг назарий қоидаларидан келиб чиқадиган йўлдан ривожланиб бораётганлигини таъкидлади. «Бундай шароитда, — деди Ўртоқ Н. С. Хрушчев,— бизда мавжуд бўлган барча моддий ресурслардан ва бошқа ресурслардан энг тўғри фойдаланиш учун партиянинг роли ўсаборади. Партия давлат органларига нисбатан кучлироқ асосга эгадир. Партиянинг вужудга келиши ва мавжудлиги қонун тартибидаги қандайдир мажбуриятлар натижаси эмас. Кишиларнинг сиёсий қарашларидан, яъни маънавий омил қоидаларидан келиб чиқадиган вазият партияни ривожлантирди».

Коммунистик партиянинг коммунизм қурилишидаги аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги сабабли социализм ва коммунизм учун курашда марксча-ленинча партиянинг раҳбарлик ролини инкор қилаётган ҳозирги замон ревизионистларининг қилаётган даъволари ҳар қандай танқиддан тубандир. Ревизионистларнинг йўли стихиячилик, ўзибўларчилик «назарияси» ва практикасини ифода этади. Дарҳақиқат В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, пролетариат диктатураси Коммунистик партиясиз амалга оширилиши мумкин эмас. Тарихий тажриба буни исбот этади. Партия — идора қилувчи авангард ва совет халқи бажараётган бутун ижодий ишларнинг юрагидир.

КПСС XXI съезди яқин етти йилликлари асосий вазифаларни, умумий стратегия йўлини белгилаб берган ҳозирги пайтда ишнинг муваффақияти партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеология ишларига боғлиқдир. Партия шу нарсага эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўядики, ҳар бир республика, ўлка, область, район, ҳар бир завод-фабрика, қурилиш, колхоз, совхоз, илмий муассасанинг коллективи шу етти йилликда ўз иш участкаларида эгаллашлари лозим бўлган марраларни эгаллаб олишни тўғри белгилаб олиши керак.

«Етти йиллик планнинг бажарилиши,—дейилади съезднинг резолюциясида,— партиянинг бутун ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишлари даражасини янада оширишни, совет халқининг ижодий ишларини актив суратда сафарбар қилишни талаб этади».

Бизнинг мамлакатимиз кучли ва ҳар томонлама ривожланган социалистик ишлаб чиқаришга, шунингдек малакали кадрларга эга бўлган ва халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техника узлуксиз тараққий этаётган ҳозирги шароитда В. И. Ленининг қуйидаги кўрсатмаси жуда катта аҳамиятга эгадир: «Ҳамма гап шундаки, биз илгариги тажрибамиз натижасида ҳосил бўлган моҳирлигимиз билан қаноатланмасдан, **албатта олға қараб** боришимиз, **албатта кўпроқ** натижаларга эриша боришимиз, албатта енгилроқ вазифалардан оғирроқ вазифаларга ўтаборишимиз керак» (Асарлар, 28 том, 200 бет). Миллионларча совет кишиларининг фикр ва ишлари худди шундай олға қараб қатъий интилиш руҳи билан суғорилган бўлиб, бу нарса совет кишиларининг ўз зиммаларига олаётган социалистик мажбуриятларида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Партия ўзининг барча ташкилотларидан оммани ижодий ғайрат ва ташаббус кўрсатиши учун, меҳнаткашлар коллективларининг ҳар томонлама асосланган социалистик мажбуриятларни олишлари ва бу мажбуриятларни бажаришлари учун зарур шарт-шароит вужудга келтиришни талаб этмоқда. Ана шу мажбуриятларни ҳар бир коллективнинг, жамиятимиздаги ҳар бир меҳнаткашнинг куч, қобилиятлари ва имкониятларини аниқ ҳисобга олиш асосида қабул қилиш ва уларни сўзсиз бажариш муҳимдир. Камайтирилган мажбуриятларни олиш ярамайди, чунки кучларга етарли баҳо бермаслик, у ёки бу коллективдаги мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланмаслик ишга зарар етказиши мумкин, шунингдек реал бўлмаган мажбуриятларни ҳам олиш ярамайди, чунки бу нарса социалистик мусобақа ғоясига путур етказади.

Етти йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши бевосита корхоналарда ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, илмий муассасаларда ҳал қилинади. Шу муносабат билан бошланғич партия ташкилотларининг роли янада кўпроқ ошиб боради. Бошланғич партия ташкилотлари оммага ҳаммадан кўра яқин турадилар ва совет кишилари меҳнат қилаётган ҳамда партиямизнинг сиёсати амалга оширилаётган ҳамма жойда бошланғич партия ташкилотлари бор. Бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик ишлари оммани ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришга жалб этиши керак, ҳар бир корхонада, ҳар бир колхозда ва ҳар бир муассасада ижодий юксалиш вазиятини вужудга келтиришга эришмоқ лозим.

Омма ўртасидаги ижодий активлик ва ташаббусни, ҳаётимизда вужудга келаётган бутун илғорликни, социалистик мусобақанинг коммунистик меҳнат бригадалари ва уларнинг номини олиш ҳуқуқига эга бўлиш йўлидаги ҳаракат каби янги формаларини қўллаб-қувватлаш бошланғич партия ташкилотларининг муҳим ишидир.

Етти йиллик планни бажариш учун курашда партия ва давлат кадрлари жуда катта роль ўйнайдилар. Ленинизмнинг энг муҳим принципларидан бири шуни кўрсатадики, ташкилий ишдаги асосий нарса кишиларни тўғри танлашдан ва ижронинг бажарилишини амалий равишда текширишдан иборат. Ленининг асарларида кадрларни танлаш учун қандай принциплар асос қилиб олиниши лозим эканлиги ҳақида кўп кўрсатмалар берилган. Масалан, В. И. Ленин 1921 йилнинг август ойида бир ходим билан қизиқиб, унинг: «...а) соф виждонли бўлиш нуқтаи назаридан, б) сиёсий томондан, в) ишнинг кўзини билиш жиҳатидан, г) идора қилиш қобилиятлари жиҳатидан» нечоғлик муносиб эканлигини хабар қилишни сўради. (Ленин тўплами, XXIII, 164 бет).

Ёш болали оналарга қулай шароит яратиб берайлик

Икки тарафида баланд-баланд тераклар қад кўтарган йўлкадан ўтиб, «Ҳақиқат» колхозининг болалар боғчаси» сўзлари ёзиб қўйилган кўркам бинога кириб бордик. Авжи туш. Эркатойлар ором олиб, ухлаб ётишибди. Тарбиячи-ю, мудиралар оёқ учида астагина юриб, секин-секин гаплашишади.

— Марҳамат, фақат мана бу халатларни кийиб оласизлар-да, бизда одат шу,— дейишди улар оппоқ халатларни узатаётиб.

Дастлаб катта группа болалари ухлаб ётган кенг, ёруғ, озода хонага кирдик. Тарбиячи Зоя Мажидова:

— Мана бу ерда гаплаша қолайлик, — деди-да, бошқа хонага бошлаб яна гапида давом этди.

— 23 бола дарров ухлаб қолади-ю, Эрназар билан Флора чатоқ-да. Флорага бир-икки оғиз ширин сўз кифоя. Эрназарнинг одати бўлакча: унга қўрқитсанг, ё пўписа қилсанг тузук, — болаларнинг характерларини таърифлаб кетди меҳрибон тарбиячи.

— Энди болалар ўйин-кулги, турли машғулот ўтказадиган хонага кирайлик,— таклиф қилди мудира Марям Ёқубова. Поллари ярақлаб турган жуда кенг зал. Турли ўйинчоқлар, музика асбоблари, хонанинг тўрроғида болалар ўз боғчаларининг макетини ишлаб қўйишипти. Бу ерда бола тарбиясига нимаики даркор бўлса, бари мавжуд. Овқатланиш хонасига ўтдик. Жажжи стол, стулчалар, озода кроватлар, турли-туман ўйинчоқлар. Ошпазлар ширин чой, мазали сомса, тотли кулчалар тайёрлашяпти.

— Ҳамма маҳсулот ўзимиздан чиқади. Сут, қаймоқ, тухум, пишлоқ... эҳе ҳаммаси бор, ҳадемай тар меваларимиз пишади, қани, майдончага юринглар,— деди мудира бизни боққа бошлар экан. Жуда ажойиб боғча. Гулзорлар, ҳосилга кирган ниҳоллар. Хуллас, Сирдарё районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира Йўлдошева раислик қилаётган «Ҳақиқат» колхозида кўп болали оналарга ҳамма қўлайликлар яратилган, ёш авлодга катта гамхўрлик қилинар экан десак, янглишмаган бўламиз.

Лекин айрим жойларда бу масалага етарли эътибор берилмаётир. Мирзачўл районидаги бутун районга донги кетган, бақувват ҳисобланган «Октябрь» колхозининг раҳбарлари ҳам бу ишнинг моҳиятига тўла тушуниб етмаганлар. Колхознинг «Қизил юлдуз» участкасида бўлдик.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Файзиев:

— Биз бу участкада боғча учун собиқ колхоз идорасининг биносини бўшатиб бердик,— деб керилиб келаётган эди, боғчадаги аҳволни кўриб анча изза тортди.

Ҳақиқатдан дурустгина бино. Аммо атрофи жазирама офтоб. Аз-маталар бутун куз ўтиб, баҳор ўтиб, биронта дарахт ҳам ўтқазишмапти-я! Беш-олти чоқли болалар ҳовлида ерга солинган шолча устида пашшага ем бўлиб ўтиришипти. Кечки чой пайти экан, болалар пиёла йўқлигидан тарелкадан ош қошиқ билан чой ичишяпти. Тарбиячи, ошпаз, мудира — ҳаммаси бўлиб етти киши, болалар стулида ўтириб олишиб чой ичишмоқда.

— Ичкарида буларга жой йўқми?— сўралик биз.

— Жой жуда кенг, кириб кўрайлик,— деди колхоз хотин-қизлар бўлимининг бошлиғи София Гуленко. Дарҳақиқат эллик болага лойиқ жой бор экан, анжомлар ҳам етарли.

— Ифлос бўлиб қолади деб болаларни киргизмовдик жавоб қилди,— тарбиячи Фотима Тоҳирова.

— Болалар нега ўз кийимида, ўзларингиз халат киймабсиз, кийимлик, халат берган эдик-ку, ўйинчоқлар қани,— тутоқиб сўради парторг.

Боғча ходимлари дарҳол:

— Синдириб, йўқотиб қўйишади, деб бекитиб қўйганмиз, ана буёқда, — дейишди-да, кичикроқ хонанинг қулфини очиб кўрсатишди.

Колхоз правлениеси аъзолари «боғчага бино бердик, озиқ-овқат билан таъминлаб турибмиз», деб ундаги аҳволдан, таълим-тарбия ишларидан хабар ҳам олишмас экан.

Шу райондаги Ленин номли колхозга келдик. Бу ерда ҳам аҳвол яхши эмас. Колхознинг Охунбобоев участкасидаги Воҳида Валиева мудирлик қилаётган болалар боғчасини кўрмоқчи бўлдик.

— Уч-тўрт кун бурун колхоз правлениеси боғчамизнинг биносини бўшаттириб олди. Боғча болаларини хонадонларда боқаверинглар, дейишди. Мана Ғанийма Файзуллаева ҳовлисида боқаётирмиз. Ғанийманинг тўрт боласи бор, бошқа аёлларнинг боласини ҳам шулар билан қўшиб боқаяпти, — тушунтира кетди Валиева.

Торгина айвон. Айвоннинг ярми полсиз бўлиб, унга кўмир тўкилган. Торгина икки хона, икковида ҳам рўзғор асбоблари бор. Болалар боғчасидан нишона берадиган бирор нарса кўрмадик.

— Болалар қани? Боғчанинг инвентарлари қаёқда?— каби саволларимизга боғча мудираси:

— Болаларни оналари тушликда олиб кетишди, кроватларни қўйишга жой йўқ,— деб беғамлик билан жавоб қилди.

Суриштирсак, бу участкада юздан ортиқ болали она ишлар экан. Улар фарзандларининг бирини йўргаклаб, иккинчисини етаклаб далага бирга олиб борар, бирор жойга ўтқазиб қўйиб, ишдан сўнг яна кўтариб қайтишар экан. Колхознинг бошқа участкаларида ҳам аҳвол шундай экан. Шу алпозда ишлаган онанинг ишида қай унум бўлсин? Ахир бу оналарга жабр эмасми?! Бу саволни она ва болаларни шу аҳволга солиб қўйган колхоз раҳбарларига бериш керак.

Районнинг «Мирзачўл» совхозида ҳам, Сталин номли, Карл Маркс номли, «Коммуна» колхозларида ҳам ёш болали оналар кўп бўлишига қарамай, уларга зарур шароитлар яратиб берилмаган. Бу совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари болалар боғчаси ва яслилар учун биноларнинг ажратиш, янгиларини қуриш ҳақида ўйлаб кўрмаётирлар.

Партия ва ҳукуматимиз она ва болаларга гамхўрликни тинмай кучайтираётирлар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси аҳолига маданий-маиший хизматни янада яхшилаш масаласини муҳокама қилиб, махсус қарор қабул қилди. «Колхозларда яқин 2—3 йил ичида етарлик миқдорда туғруқхоналар, болалар яслилари ва болалар боғчалари ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин» дейилади мазкур қарорда. Буни амалга ошириш учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари барча имкониятлардан фойдаланишлари керак.

«Узбекистон хотин-қизлари» журнали ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг рейд бригадаси:
Р. САЙФИЕВА,
Ф. УСМОНОВА.

САГУ геологларининг тадқиқотлари

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети геология факультетининг профессор ва ўқитувчилари ҳамда юқори курс студентлари республикамиз геологиясини янада чуқурроқ ўрганиш юзасидан бир қатор тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Факультет олимлари Республика геология бошқармаси билан ҳамкорликда «Ҳисор тоғлари жанубий-ғарбий қисмининг петрологияси ва металлогенияси» деган темада муҳим илмий тадқиқот ўтказмоқдалар. Беш йилга мўлжалланган бу тадқиқотларда Ҳисор тоғларининг қазилма бойликларини аниқлаш, мазкур районнинг геология картасини тузиш, халқ хўжалиги учун зарур бўлган хомашёлар запасларини қидириб топиш каби муҳим масалалар ҳал қилинади. Бу ишга петрология кафедрасининг мудири профессор И. Исамуҳамедов раҳбарлик қилмоқда. Э. Алимов, Т. Шмилов ва бошқа студентлар бу соҳадаги илмий-текшириш ишларида қатнашаётирлар.

Геология-минералогия фанлари доктори, профессор Попов ташаббуси билан Ўрта Осиёда биринчи бўлиб геология проблемалари лабораторияси ташкил қилинди. Нефть, газ ва бошқа фойдали қазилмаларнинг турли жиҳатларини ўрганишда бу лабораториянинг роли шубҳасиз катта бўлади.

Гидрогеология кафедраси эса ҳозирги кунда Мирзачўл ва Янгийўл районларида шўрхок ерлар тупроғи структурасини яхшилаш, ерости сувларидан унумли фойдаланиш соҳасида халқ хўжалигимиз учун ниҳоятда зарур илмий-текшириш ишлари олиб бораётир.

Факультетнинг разведка, тарихий геология, полеантология, минералогия ва геофизика кафедраларида ҳам илмий иш билан шуғулланиш яхши йўлга қўйилган.

Факультет олимлари олий ўқув юртлари учун ўзбек тилида илмий дарсликлар ёзиш ва айрим дарсликларни таржима қилиш ишларига ҳам эътибор беряяптилар. Петрология кафедрасининг ассистенти Султонов ва профессор Исамуҳамедов Ўртоқлар ўзбек тилида «Федотов методи» деган илмий китоб ёзмоқдалар.

Университет геологларининг бу каби тадқиқотлари республикамиз халқ хўжалигининг етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

А. АҲМЕДОВ.

Областимизда

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз шифохонасида беморларга медицина хизмати кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Аҳоли ҳам шифохона ишидан мамнун. Яқинда бу шифохонага «ЗИМ» «Тез ёрдам» машинаси берилди. Бу билан хонадонларга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатишда яна катта қулайлик туғилди. Суратда: колхоз шифохонаси.

В. Салов фотоси.

Мева ва сабзавот мўл бўлади

Янгийўл районидаги 10-богдорчилик совхози республикамиздаги энг йирик мевачилик совхозларидан биридир. Совхоз ишчилари аҳолига олма, узум, нок, олхўри ва бошқа ҳар хил меваларни мўл-кўл етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар.

151 гектар ердаги токзор бу йил ўтган йилдагига нисбатан анча олдин очилиб, ишкомларга кўтариб қўйилди. Ток оралари КД-25 трактори билан ҳайдалди. Бу ишда тракторчи Решад Абдирамонов намунали меҳнат қилмоқда. 105,6 гектар ердаги етилган токларнинг ҳар гектаридан камида 132,2 центнердан, совхоз бўйича жами 1484 тонна узум олиш мўлжалланади. Бундан ташқари давлатга 51 тонна олма, 19 тонна бошқа ҳар хил мева етказиб берилади.

— Биз шаҳар аҳолисига фақат мевагина эмас, — дейди совхознинг бош агрономи Ўртоқ Елизавета Дмитриевна Андронова, — мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш учун ҳам курашаётирмиз.

Совхознинг 4-бўлимидаги Ўртоқ Холмуҳаммад Содиқназаров бошлиқ бригада ишчилари мевачиликдан ташқари 14 гектар ерда помидор, сабзи, картошка, бақлажон ва бошқа сабзавот экинларини парвариш қилмоқдалар. Улар 3 гектар ердаги помидорнинг ҳар гектаридан 26 тоннадан, картошкадан эса 115 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Шунингдек 2-бўлимнинг Ўртоқ К. Одилов бошлиқ бригадасида ҳам сабзавот экинларини парвариш қилиш яхши ташкил этилган.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ БИР КУНЛИК СЕМИНАРИ

Пискент районидаги Ворошилов номли колхозда бошланғич партия ташкилоти секретарларининг бир кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинарда комсомол ташкилотларининг секретарлари, район партия комитети аппаратининг ходимлари ва мактаб директорлари ҳам иштирок этдилар. Семинар бошланишидан олдин унинг қатнашчилари Ворошилов номли колхоз бошланғич партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлари қандай йўлга қўйганлиги ва дала шийпонларида қай даражада жиҳозланганлиги билан танишиб чиқдилар.

Сўнгра семинар қатнашчилари район партия комитетининг секретари Ўртоқ Х. Латиповнинг «КПСС Марказий Комитетининг «Сталино области меҳнаткашлари орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарори ва райондаги бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари», райком секретари Ўртоқ Дробинскийнинг «Райондаги бошланғич партия ташкилотларида КПСС аъзолари сафини тартибга солиш» темаларидаги доклади тингладилар. Шунингдек семинарда «Колхозлар ва «Пискент» совхозидаги дала шийпонларида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш» ҳақида ва бошқа темаларда ҳам докладлар ўқилди.

М. САМАДОВ.

ШУ ҲАМ РАҲБАРЛИКМИ?

Сўнгги йилларда ДОСААФ ташкилотлари ўз фаолиятларини бир мунча яхшилаганлари туфайли ташкилот сафида ёшлар сони кўпаймоқда. Шу сабабли ҳам район ДОСААФ ташкилотлари жойлардаги бошланғич ташкилотларга раҳбарликни тинмай яхшилаб, уларга доимо амалий ёрдам кўрсатишлари зарур.

Аммо Калинин район ДОСААФ ташкилоти бошланғич ташкилотларга ана шу талаблар даражасида раҳбарлик қилмаётир. Масалан, район даволаш ва санитария бирлашмаси ҳузуридаги бошланғич ДОСААФ ташкилотига қилинаётган раҳбарликни олиб кўрайлик. Бу ташкилотнинг ҳаммаси бўлиб 90 та аъзоси бор. Улардан 380 сўм аъзолик бадаллари йиғиб олиш мумкин. Лекин район ДОСААФ ташкилоти ҳақиқий аҳволни ҳисобга олмай, 1959 йилга 800 сўм план берган. ДОСААФ раҳбарлари кабинетдан туриб, ана шу реал бўлмаган планни қандай қилиб бўлса ҳам бажарасизлар, деб дўқ уришларини қўймайдилар.

Аъзолик бадаллари юзасидан бундай нотўғри план берилиши ДОСААФ ташкилоти ва унинг раиси Ўртоқ Тошмўҳамедовнинг жойлардаги ҳақиқий аҳволдан хабарсизлигини тасдиқлайди. Комитет раиси тўрт йил мобайнида бизнинг бошланғич ташкилотга бирон марта ҳам келгани йўқ, ҳисобот сайлов йиғилишларида қатнашмади.

Сўнгги йилларда совет фани ва техникаси мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди. Шу сабабли ҳам ёшлар ўртасида техникани эгаллашга, ҳунарли бўлишга қизиқиш тобора ортмоқда. Аммо район ДОСААФ ташкилоти бундай ҳаётий талабларни ҳисобга олмаётир. Бизнинг ташкилот аъзолари мотоцикл, автомашина ва бошқа ҳунар ўргатадиган тўгаракларда қатнашишни, фан ва техникамиз эришган ютуқлар тўғрисида мазмунли суҳбатлар тинглашни истайдилар. Бизнингча, район ДОСААФ ташкилоти марказдан туриб, телефон орқали юзаки раҳбарлик қилиш ўрнига бошланғич ташкилотларга келиб, ҳақиқий аҳволни яхшилаб ўрганиб, уларнинг талабларини қондирсалар яхши бўлар эди.

О. ТУРҒУНОВ,
Калинин район медицина ходимлари касаба союзининг раиси.

Янги китоблар

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни босиб чиқарди:

Е. М. БЛОК. — **«Ғарбий Берлин эркин ва тинч шаҳарга айлантирилиши керак».** 43 бет, тиражи 14.000, баҳоси 60 тийин.

М. РАСУЛОВ. — **«Узбекистон давлат ва кооператив савдосидаги илғор усуллар».** 39 бет, тиражи 18.000, баҳоси 60 тийин.

А. АЪЗАМХУЖАЕВ. — **«Иттифоқчи республикалар ҳуқуқининг янада кенгайтирилиши».** 38 бет, тиражи 14.000, баҳоси 60 тийин.

В. А. КОЗЛОВСКИЙ. — **«Термез шаҳрининг тарихи».** 32 бет, тиражи 20.500, баҳоси 60 тийин.

О. С. СОДИҚОВ. — **«Ўрта Осиё ўсимликлари қимматли кимёвий хомашё».** 21 бет, тиражи 12.000, баҳоси 60 тийин.

Д. Д. ЛЕБЕДЕВ. — **«Болалар иштаҳасини яхшилаш учун нима қилиш керак».** 19 бет, тиражи 14.700, баҳоси 40 тийин.

Н. М. МАННАНОВ, С. Н. ХАВКИН. — **«Сталин номли колхознинг экономикаси ва уни янада ривожлантириш резервлари».** 60 бет, тиражи 25.500, баҳоси 1 сўм 20 тийин.

И. С. РЕУТ.—**«Узбекистонда луб экинлари етиштириш».** 38 бет, тиражи 13.400, баҳоси 60 тийин.

Ўқувчилар бригадасида

— Мана бу ерлар ўқувчилар бригадасига қарашли,— дейди мактаб директори ўнг томондаги карталарни кўрсатиб, — кўрдингизми, далада иш қизғин, ўқувчиларимизнинг гайрати зўр, помидорни суғоришяпти.

Калинин районининг «Назарбек» совхозидаги 11-мактаб ўқувчилари ишлаб чиқариш бригадасида ҳақиқатан иш қизғин. Бу ерда меҳнат қилиб, сабзавот, картошка экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашаётган ёшлар ўқишда ҳам илғор ҳисобланадилар. М. Тошхўжаев, Т. Бўронов, Х. Саидов каби комсомоллар дала ишларини бажаришда ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Совхоз дирекцияси ўқувчилар бригадаси учун барча шароитни яратиб берган. Бу имкониятдан фойдаланган мактаб комсомол-ёшлари бригадаси аъзолари ўзларига биркитилган 25 гектар ернинг ҳар гектаридан 10 тоннадан картошка, 8 тоннадан пиёз ва 18 тоннадан қовун-тарвуз етиштириш учун курашмоқдалар.

Й. ФАЙЗИЕВ.

Трест ёшларининг ғайрати

Оҳангарондаги «Узбекшахтострой» трестининг комсомол-ёшлари темир-терсак йиғишни зўр уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Ташландиқ темир-терсаклар заводга топширилса улардан саноатимиз учун зарур бўлган хилма-хил деталь ва асбоб-ускуналар ясаш мумкин. Буни яхши англаган трест комсомол-ёшлари қисқа вақт ичида 50 тонна темир-терсак йиғиб, қабул пунктига топширдилар.

Ватанпарвар ёшлар йил охиригача яна камида 100 тонна темир-терсак йиғиб беришга аҳд қилишган. Бу ишда, айниқса, 2 ва 4-қурилиш бошқармаларининг комсомол-ёшлари зўр ташаббус кўрсатмоқдалар. Темир-терсак тўплаш ёшларнинг доимий ишига айланиб қолди.

А. КУКИЕВ,
Н. ҚАЮМОВ.

Кутубхона учун янги бино

Район марказидаги Пушкин номли кутубхона янги, кенг бинога кўчди. Бино уч хонадан иборат. Ўқиш залига 100 киши сигади. Китоблар ўқиш залидаги шкаф ва полкаларга териб қўйилган. Китобхонлар ҳоҳлаган асарларини ўзлари олиб ўқишлари мумкин.

М. ОЧИЛОВ,
Чиноз райони.

КЎЧМА ВИСТАВКА

«Узбекхиммаш» заводи маданият уйида республика рассомлари графика асарларининг кўчма виставкаси ташкил қилинди. Графика асарларини намойиш қилувчи бу кўчма виставка ўз ишини биринчи марта Чирчиқда бошлади. Виставкага республикамиз рассомларининг 80 та энг яхши графика ва акварель расмлари қўйилган.

Экспонатлар орасида Ўзбекистон ССР халқ рассоми Кайдалов, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Кашина, пешқадам графикачилардан Никифорова, Соколов, Кедрин, Синицкий ва бошқаларнинг турли темадаги асарлари кўзга алоҳида ташланиб турибди. Виставка очилгандан буён экспонатларни 7 мингдан эртиқ киши тамоша қилди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Коммунистик партия, Совет давлати топширилган иш учун жавобгар эканликларини тамомила англаган кўпгина тажрибали, малакали кадрларга эгадир. Аммо кадрларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасида ҳали кўп иш қилиш керак. КПСС XXI съездида таъкидлаб ўтилганидек, баъзи партия органлари ишнинг кўзини биладиган ишчан кишиларга айрим ҳолларда тўғри баҳо бера олмайдилар ва уларни ўз вақтида кўтара олмайдилар, топширилган ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган ва турмушдан ажралиб қолган заиф кишиларнинг узоқ вақт давомида масъулиятли лавозимларда қолиб кетишига тоқат қилиб турадилар. Съезд тайёргарлиги бўлган, принципиал суратда иш олиб борадиган, янгиликни сеза оладиган, ўзининг бутун куч ва билимларини халқнинг бахт-саодатига бағишлайдиган, ишга большевистик эҳтирос киритадиган, камчиликларга шафқатсизлик билан қарайдиган кишиларни раҳбарлик ишларига кўтариш билан кадрларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини яхшилаш зарур эканлигини кўрсатди.

Ёш кадрларни дадил кўтариш керак ва уларни кекса кадрларга қарама-қарши қўймаслик лозим. Ёш кадрларни кекса кадрлар билан бирга қўшиб олиб бориш — ишда энг яхши натижаларга эришишни таъминлайдиган тўғри йўлдир.

Коммунистик партия кадрларимизни, барча коммунистларни юксак талабчанлик руҳида, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида, партиявий принципиаллик, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбияламоқда.

В. И. Ленин таълим бериб айтадики, «коммунизм ишчилар оммасига уларнинг ўз ишидек тушунарли бўлмоғи керак» (Асарлар, 31 том, 390 бет). Коммунизм қуриш партия ва халқнинг амалий мақсади бўлиб қолган ҳозирги пайтда В. И. Ленининг бу кўрсатмаси жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб партия сиёсий ишларининг негизидир.

КПССнинг XXI съезди партия ташкилотлари, пропагандистлар ва агитаторлар коммунистик қурилиш планларини бажаришга даъват этар эканлар, коммунизм нималигини, коммунизм кишиларга қандай улуғ ноз-неъматлар беришини тушунарли формада равшан қилиб тушунтириб беришлари, коммунистик меҳнат формаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва ривожлантиришлари лозим, деб таъкидлади.

В. И. Ленин коммунизм қурилишини партиянинг тарбиявий вазифалари билан чамбарчас боғлаб, бундай деган эди: «Курашда авангард бўлган Коммунистлар партиясининг асосий вазифаси — эски тузумдан бизга мерос бўлиб қолган эски урф-одатларни... йўқ қилиш учун меҳнаткашлар оммасини тарбиялаш ва онгли-билимли қилишга ёрдам беришдан иборат» (Асарлар, 31 том, 382 бет).

Совет ҳокимияти йилларида бизнинг мамлакатимизда партиянинг буюк ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари натижасида янги киши — коммунизмни барпо қилаётган киши ўсиб етишди. Янги киши маънавий қиёфасининг энг муҳим хусусиятлари — социалистик ватанпарварлик ва интернационализмдан, меҳнатга ва жамоат мулкига социалистик муносабатда бўлишдан, коммунизм ғалабаси учун фидокорона кураш олиб боришдан иборат. Партия ва ҳукумат совет кишисининг сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожланган, билимли киши бўлиши тўғрисида, ўз юртининг оташин ватанпарвари, мамлакатнинг онгли граждани бўлиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Шу етти йиллик социалистик маданиятни янада юксалтириш, совет жамиятининг маънавий бойлигини ўстириш, коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган меҳнаткашларнинг онглилик даражасини юксалтириш билан характерланади. КПСС XXI съезди кўрсатиб ўтганидек, бундай шароитда меҳнаткашларни, хусусан ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади ва партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятида марказий масалалар бўлиб қолади.

Партиямизнинг идеология ишларидан кузатилган мақсад—совет кишиларида янги хислатларни ривожлантиришдан, уларни коллективчилик ва меҳнатсеварлик, социалистик интернационализм ва ватанпарварлик руҳида, янги жамият ахлоқининг юксак принциплари руҳида, марксизм-ленинизм руҳида тарбиялашдан иборат. Бу ишнинг нштари буржуа идеологияси ва ахлоқининг кўринишларига қарши, ўтмишнинг меҳнатга виждонсизларча муносабатда бўлиш, безорилик, ичкиликбозлик, порахўрлик, чайқовчилик ва шу каби сарқитларига қарши қаратилиши лозим.

Партия идеология ишларининг ҳамма воситаларини — пропаганда, агитация, матбуот, радио, фан, адабиёт, санъатни коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли суратда ҳал этишга бўйсундиради. Партия идеология ишларини турмуш билан, хўжалик ва маданий қурилиш практикаси билан маҳкам боғлаб олиб боришга сабот билан эришмоқда, кадрларни, барча совет кишиларини марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш ишларини бутун чоралар билан кучайтирмоқда.

Коммунистик партиянинг ленинча йўли коммунизмга олиб борадиган порлоқ йўлдир. Бутун халқнинг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлган партия марксизм-ленинизмга садоқати туфайли, ўзининг принципиал сиёсати туфайли, мамлакатни ленинча йўлдан четга чиқаришга уринаётган кишиларга қарши шафқатсиз олиб бораётган кураши туфайли ғалаба қилди ва ғалаба қилмоқда.

Совет халқи Коммунистик партиянинг Ватанимизнинг иқтисодий қудрати ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, саноат ва қишлоқ хўжалигини янада кучли суратда юксалтиришга, фан ва маданиятни ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ленинча доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллайди ва бу сиёсатни актив қўллаб-қувватлайди.

КПСС XXI съезднинг тарихий қарорларидан илҳомланган мамлакатимиз халқлари Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида коммунизм қуришдан иборат улуғ ишни комил ишонч билан рўёбга чиқармоқдалар.

А. ШИШКОВ.

Тошкент шаҳри ва областимизнинг бошқа шаҳарларда саноат корхоналари ҳамда уй-жой биноларини газ билан таъминлаш юзасидан катта ишлар олиб борилаётир. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 3 мингдан ортиқ квартира газлаштирилди. Йил охиригача эса 10 мингдан кўпроқ уй-жойларга газ келтирилади. Суратда: Тошкентдаги Чиланзор массивида балонларда келтирилган газни қабул қилиб олиш учун установка монтаж қилинаётир.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳар гектар ердан 200 центнердан беда ҳосили оламиз

Мустаҳкам ем-хашак базасига эга бўлмасдан туриб, чорвачиликни ривожлантиришда кўнгилдагидек натижага эришиш мумкин эмаслигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам биз ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун тинмай курашмоқдамиз.

Бу йил шу мақсадда 150 гектар ерга маккажўхорига бедани аралаштириб экдик. Тўғрисини айтиш керак, илгарилари колхозимизда бедани ўстириб, ундан мўл ҳосил олишга етарли эътибор берилмасдан келинди. Биз эндиликда бундай бўлишига йўл қўймаймиз.

Бунинг учун қандай тадбирларни амалга оширмоқчимиз? Дастлаб биз бир ердаги бедани кам деганда 5-6 марта ўриб олишга қарор қилдик. Буни дастлаб эски беда майдонидан ажратилган ўн гектар ерда тажриба қиламиз. Бу ердаги беданинг ҳар гектаридан камида 200 центнердан хашак олиш мақсадида кузда гектарига 300 килограмм ҳисобидан суперфосфат ишлатиб, бороналаб ўғитладик. Шунингдек фитономус тушмаслиги учун гексахлоран билан дориладик. Бу тадбирлар, март ва апрель ойларида ёғингарчиликнинг кўп бўлганлиги беданинг гуркираб ўсишига шароит туғдирди. Апрель ойининг ўрталарида ҳисоблаб чиқанимизда бу участканинг ҳар бир квадрат метрида 380-400 тадан беда пояси бор эди. Беда поляларининг баландлиги 40 сантиметрга етган эди. Шундан беш кун ўтгач, яна текшириш ўтказганимизда беда поляларининг янада ўсиб, кўк массаси қуюқлашганлигини аниқладик. Тупроқда намнинг етарли бўлганлиги ва об-ҳаво шароитининг қулай келганлиги бу участкада бедадан мўл ҳосил етиштиришимизни таъминлади.

Тажриба шуни кўрсатадики, агар беда юқори агротехника қоидалари асосида ўстирилса, уни 5-6 марта ўриб, гектаридан 200 центнергача ҳосил олиш мумкин.

Биз шундай қиламиз. Май ойининг бошларида биринчи ўримни, 2, 3 июнда иккинчи ўримни ўтказдик. 1 июлда учинчи ўримни, 1 августда тўртинчи ўримни, 5 сентябрда бешинчи ўримни, 10 октябрда 6 ўримни ўтказишни планлаштирганмиз. Ҳар сафар ҳам беда гуллай бошлаши олдидан ўришга киришилади.

Бу планимизни муваффақиятли амалга оширишимиз учун ҳар бир кундан унумли фойдаланамиз. Ҳар бир ўримни тугаллаш бир кундан ошмайди. Қуритиш ва уни ташиб олиш ишларини ҳам 2-3 кун ичида бажарамиз. Беда ўриб бўлингач, дарҳол у ерга сув қўямиз. Биз беда қанчалик пастдан ўриб олинса, ҳосил шунчалик мўл бўлишини яхши биламиз. Шунга амал қилиб иш юритамиз. Ҳамма ўрим натижасида мўл ҳосил олишишни таъминлаш мақсадида, биз иккинчи ва тўртинчи ўримдан сўнг бедапояга 200 килограмм суперфосфат ҳисобидан ўғит солиб, у ерни бороналаймиз. Бедани ҳар хил касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилиш мақсадида участкаларда бедага заҳарли химикатларни пуркаш билан профилактик тадбирларни ўз вақтида амалга оширамиз.

Биринчи ўрим даврида гектаридан 45 центнер атрофида ҳосил олдик. Иккинчи ўрим даврида 50 центнер, учинчи ўримда 40 центнер, тўртинчи ўримда 30 центнер, бешинчи ўримда 20 центнер, олтинчи ўримда 15 центнер ҳосил оламиз.

Амалга ошираётган тадбирларимизнинг қанчалик натижа бераётганлигини билиш учун биз бу участкада доим текшириш ўтказиб, беданинг ўсиши, ривожланиши, поялларнинг кўпайишини ҳисобга олиб борамиз. Бу беда ҳосилини янада кўпайтириш йўлида қўшимча резервларни аниқлаш имкониятини беради.

Биз барча дала мудирлари, агрономлар, бригадирлар, колхоз ва совхозлар ҳамда барча илмий муассасалар ва илмий ходимларга мурожаат қилиб, уларни беданг мўл ҳосил етиштиришнинг янгидан-янги йўлларини қидириб топишга, ишлаб чиқаришга илғорлар тажрибасини кенг жорий қилишга чақирамиз.

М. РАҲИМОВ,
Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг дала мудири.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ,
колхоз агрономи.

С. АНОРҚУЛОВ,
2-бригаданинг бошлиғи.

П. П. ЯЗИКОВ,
СоюзНИХИнинг старший илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Улуғ шоир

А. С. Пушкин туғулган кунга 160 йил тўлиши муносабати билан

Улуғ кишиларнинг номи ҳамиша халқ билан яшайди. Улар қолдирган адабий мерос инсониятнинг катта бойлигидир. Рус классик адабиётининг буюк намояндалари — Гоголь, Некрасов, Лермонтов, Толстой, Грибоедов ҳаби Пушкин ҳам ўлмас, буюк симодир.

Пушкин Москвада 1799 йил 28 майда янги стил билан 6 июнда туғилди. Бу давр бир асрнинг тугалланиш ва иккинчи асрнинг бошланиши бўлибгина қолмай, балки шу билан бирга икки йирик даврнинг чегараси, яъни феодал абсолютизмининг охири ва «умуман буржуа демократик ҳаракатлар, хусусан буржуа миллий ҳаракатлари даври, оёқдан қолган феодал абсолютист муассасаларни тезлик билан синдириб ташлаш давридир». (В. И. Ленин, Асарлар, 21 том, 146-бет).

Пушкин ўқувчилик йиллариданоқ ажойиб асарлар ёза бошлаган шоирдир.

Пушкин ўз замонасининг энг прогрессив ижтимоий доираларига жуда яқин эди. Феодализмга қарши илғор дунёқарашларнинг тарғибчиси эди.

Унинг ҳар бир сатри қуйма, ҳар бир асари ўлмас, ҳар бир драмаси саҳнада жаранг билан эшитиладиган спектаклдир. Унинг «Кавказ асири», «Мис чавандоз» поэмалари, «Дубровский», «Капитан қизи» повестлари, «Евгений Онегин» шеърий романи ва жуда кўп асарлари 37 ёшли кишининг ҳаётига қўйилган мангу ҳайкалдир.

Россиянинг ёвуз душманлари ўзлари шаънига шоир томонидан айтилган ўтли сўзларга чидай олмас эдилар. Улар шоирдан қутулиш йўлини изладилар. Бунинг учун оқ француз эмигранти Дантес қурол қилиб танланди. Айни вақтда Пушкин рафиқасининг подшоҳ билан яқинлиги тўғрисида ғийбат бошланди. Шоир ўз орномусини, рафиқасининг ор-номусини ҳимоя этмоқчи бўлиб, Дантесни дуэлга чақирди. Бундан бохабар бўлган маъмурлар унинг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмадилар. Пушкин эгир яраланди ва икки кун қаттиқ азобланиб, 1837 йил 29 январь — 10 февралда соат 2 дан 45 минут ўтганда вафот этди.

Пушкиннинг ўлими Михаил Лермонтовни қаттиқ ҳаяжонга солди. У «Шоирнинг ўлими» шеърида мавжуд тузумга бўлган қаттиқ нафратини баён қилди. Улуғ танқидчи Белинский Пушкин абадий яшайдиган ва ҳаракат қиладиган», жамият онгида ўсиб ривожланадиган ҳодисалар жумласидандир, деб ёзган эди.

Пушкин улуғ халқнинг улуғ шоири сифатида қадр-қимматини топди.

Совет даврида Пушкинни фақат рус халқигина эмас, балки Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари ҳам ўзларининг жонажон шоири деб билади, севади ва эсга олади. Ўз халқи билан бир жонбир тан бўлган, ўз ватанига қизиқ садоқат кўрсатган, уни чексиз севган ёзувчигина буюк миллий ёзувчи бўлиши мумкин.

Пушкин ўзбек совет адабиётида ҳам ўзининг қимматли ўрнини олган. Унинг асарларини халқимиз ўзбек тилида ўқийди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Мамарасул Бобоев, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, отоқли сўз усталари Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилганлар.

Пушкин ўз асарлари билан ўзига абадий ҳайкал қўйилганлигини билар эди.

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,
Халқнинг келар йўлини майса-ўтлар қилмас банд
У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга,
Александр қуббасидан ҳам баланд.

Шоирнинг номи билан аталган жуда кўп мактаблар, институтлар, колхозлар, боғларда Пушкиннинг ҳайкали қад кўтариб туради. Рус халқининг миллий шоири ўзбек китобхонлари учун ҳам азиздир. Шунинг учун ҳам Пушкин ўз асарларини фақат рус халқига эмас, балки кўп миллатли Ватанимизда яшаётган халқларнинг ҳаммасига мерос қилиб қолдирди.

Овозим-ла чулғонар поёни йўқ улуғ Русь
Ундаги барча эллар мени ёдлайди ҳардам
Мағрур славян насли, бугунги овом тунгус,
Фин халқи-ю, даштлар дўсти қалмоқ ҳам.

Улуғ Ленин Пушкинга зўр муҳаббат билан қараганлиги маълум. «Мен ўзим билан бирга Сибирга Пушкин, Лермонтов, Некрасов асарларини олиб келдим, — деб ҳикоя қилади Н. К. Крупская, —Владимир Ильич уларни ўз кровати ёнига Гегель асарлари билан ёнма-ён қўйиб, кечалари билан қайта-қайта ўқиб чиқарди. У ҳаммадан кўра Пушкинни кўпроқ севар эди».

Ватанимиз халқлари ва прогрессив инсоният Пушкин асарларини бир асрдан ортиқ вақтдан буён ўқиб келадилар.

Бугун, улуғ шоир туғилганига 160 йил тўлган кунда кишилар Пушкинни яна бир бор зўр ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки Пушкин абадий халқникидир.

Рус халқининг улуғ фарзанди Пушкин ўзбек халқи қалбида ҳам абадий яшайди.

Украинада А. С. Пушкин асарларининг миллионлаб нусхада нашр этилиши

ХАРЬКОВ, 4 июнь. (ТАСС). А. С. Пушкин туғилган кунининг 160 йиллиги муносабати билан Украина ССР китоб палатаси республикада шоир асарларининг нашр этилишига якун ясади.

Совет ҳокимияти йилларида улуғ рус шоирининг поэмалари, повестлари, драматик асарлари, эртаклари, шеърлари 3 миллион 573 минг нусхада 122 марта босмадан чиққан. Шу жумладан 2 миллион 690 минг нусхада 65 марта украин тилида нашр этилган. Революциядан олдинги бутун йиллар давомида шоир асарларининг тиражи Украинада атиги 301 минг нусхани ташкил қиларди, холос. Шоир асарлари украин тилида фақат уч мартагина нашр этилган эди.

1952 — 1954 йиллар мобайнида Украина давлат бадиий адабиёт нашриёти А. С. Пушкиннинг тўрт томдан иборат асарлар тўпламини академик М. Ф. Рильский таҳрири остида украин тилида босиб чиқарди. Шоирнинг бир томлик ва икки томлик танланган асарлари кўп марта босмадан чиқарилди. Республика нашриётлари «Капитан қизи», «Дубровский» повестларини, «Мис чавандоз», «Полтава» поэмаларини, эртакларни алоҳида китоблар қилиб кўп нусхада нашр этди.

Украинанинг йирик шоирларидан П. Тичина, Н. Рильский, М. Бажан, В. Сосюра, Н. Забила, А. Малишко ва бошқалар А. С. Пушкин асарларини украин тилига таржима қилишда иштирок этдилар.

Культура ва спорт

СПАРТАКИАДА БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

3 июнда Ўзбекистон традицион XI спартакиадаси очилди. Спартакиадада республикамиз барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан 2500 га яқин спортчи қатнашиб, ўз маҳоратини намойиш қилади.

Шуниси қувончликки, бу сафарги спартакиада республикамизнинг Фарғона, Самарқанд, Андижон ва Бухоро шаҳарларида бир вақтнинг ўзида ўтказилмоқда. Тошкентда эса спартакиада мусобақалари 13-июнда бошланади.

Республика спартакиадаси ғолиблари шу йил август ойида Москвада ўтказиладиган 2-Бутуниттифоқ спартакиадасида Ўзбекистон спорт делегацияси составига киритиладилар.

ВОЛЕЙБОЛ

Яқинда «Меҳнат» спорт жамияти спорт базасида волейбол бўйича Тошкентдаги фабрика-завод командалари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақада 12 та команда қатнашди. Бир ҳафта давом этган курашда Тошкент темир йўл узели ва «Гидроэнергопроект» институти ўрта Осиё бўлимининг волейбол командалари финалга чиқдилар. Бу командалар ўртасида биринчилик учун кураш кескин тус олди. Ниҳоят проектчилар финал ўйинда 3:1 ҳисоби билан рақиблари устидан ғалаба қозондилар.

А. Ким.

СОВХОЗ ФУТБОЛЧИЛАРИ

Боёвут районидаги «Дружба» совхози стадиони доим спортчилар билан гавжум бўлади. Совхоз футболчилари ўз стадионларида мунтазам равишда тренировка қилиш билан бирга бошқа командалар билан ўртоқлик учрашувлари ҳам ўтказиб туришади. Бундай учрашувлар шанба ва якшанба кунлари ўтказилади. Яқинда совхоз футболчилари «Локомотив» (ГЭСстрой) ва «Чардарстрой» (Қозоғистон) командалари футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, ҳар икки командани ҳам ютдилар.

Г. Абдуллаев.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кубоги учун Тошкентдаги «Спартак» стадионида енгил атлетика бўйича олий ўқув юртлари спорт клублари ўртасида ўтказилган мусобақа тамом бўлди. Мусобақада 19 олий ўқув юрти спортчилари қатнашдилар. Уч кунлик курашдан сўнг биринчи группада Тошкент физкультура институти (32927 очко) биринчи ўринни, Фарғона давлат педагогика институти иккинчи ўринни, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти учинчи ўринни эгаллади. Иккинчи группада Қорақалпоғистон давлат педагогика институти спортчилари биринчиликни эгалладилар.

Шахсий биринчиликда физкультура институти студенти Мусташкин уч ҳатлаб сакрашда СССР спорт мастери нормасини бажариб, ғолиб чиқди.

К. Афанасьев.

Қисқа сатрларда

✦ **Чиноз.** Райондаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумини яқинда 25 киши тамомлади. Бу ёш мутахассислар ишлаш учун республикамиз колхоз, совхоз ва РТСларига жўнаб кетдилар.

М. Пейсенов.

✦ **Бекобод.** Район маданият бўлимининг кўчма кино установкаси яқинда «Гулистон», Навоий номли ва «Победа» колхозларида бўлиб, колхозчи ва механизаторларга «Жаноб 420», «Насриддин саргузаштлари», «Ҳақиқат», «Чавандоз қиз», «Мафтунингман» бадиий фильмларини кўрсатди.

Н. Шербеков.

✦ **Ўрта Чирчиқ.** 106-темир йўл ўрта мактаби ўқувчилари темиртерсак йиғиш ишида актив қатнашиб, давлатга 16,5 тонна темиртерсак йиғиб бердилар.

Ж. Холматов.

✦ **Қорасув.** Районнинг 1-проезд кўчасида қурилаётган янги уй-жой биноларига кўчиб кираётган меҳнаткашларни тоза сув билан таъминлаш мақсадида 400 метрдан ортиқ масофага водопровод қувурлари ётқизилиб, икки ерга колонка ўрнатилди. Водопровод қувурлари ҳонадонларга ҳам олиб кирилмоқда.

И. Рустамов.

✦ **Бўстонлиқ.** Охунбобоев номидаги республика ёш тамошабинлар театри артистлари яқинда Сойлиқ қишлоғи марказида «Ким айёдор?» спектаклини намойиш қилдилар. Спектаклни 500 дан ортиқ киши тамоша қилди. Шунингдек спектакль район маркази ва Ленин номли колхозда ҳам кўрсатилди.

Э. Гульметов.

Тошкентдаги 2-босмахонада марксизм-ленинизм классиклари асарлари кўп нусхада нашр этилади. Босмахона ходимлари босилаётган китоблар сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар. Суратда: (чапдан) техника назорати бўлимининг контролери Т. Панова ва бўлим бошлиғи А. Воронова ўртоқлар босмадан чиққан китобларнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ДОНОРЛАР СЛЁТИ

Донор — ўз қони билан беморни ўлимдан сақлаб қолади, унинг соғайишига катта ёрдам беради. Мамлакатимизда минглаб донорлар меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Чирчиқ шаҳрида ҳам донорлар сони тобора ортмоқда. Улар ленинградлик донорларнинг бир марта текинга қон бериш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Бир марталик қонлари билан донорлар ўнларча оғир беморнинг соғлигини тиклашга ёрдамлашдилар.

Яқинда шаҳар донорларининг слети ўтказилди. Слетда шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Муҳамедов, 1-шифохонанинг қон қуйиш бўйича ассистенти С. Муллақандова, республика қон қуйиш илмий-текшириш институтининг илмий ходими Визгалова ва кекса донор Лиска ўртоқлар қон қуйишнинг медицинадаги аҳамияти, донорлик шарафли иш эканлиги ва донорлар сони тобора ортаётгани ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг узоқ йиллардан буён донорлик қилиб келаётган бир неча донорга «СССР фахрий донори» значёги ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Т. УРУНОВ.

Кўнгилли дам олиш учун

Областимиз меҳнаткашлари ҳар йили ўз меҳнат отпускаларини мамлакатимизнинг хушманзара ерларида жойлашган соя-салқин, шифобахш курорт, санаторий ва дам олиш уйларида ўтказиб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Кўпгина кишилар эса Ватанимизнинг диққатга сазовор жойларига, чет элларга саёҳат қиладилар.

Ўтган йили область касаба союз комитети томонидан берилган путевка билан мамлакатимиздаги курорт ва санаторийларда 9 мингга яқин киши дам олган эди. Бу йил областимиз меҳнаткашларидан 10 мингга яқин киши санаторий ва курортда, 22 мингдан ортиқ меҳнаткаш дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаради. 27 мингдан ортиқ бола пионер лагерларида ёзги каникулни кўнгилли ўтказади. Шунингдек болалар санаторийларига 800 дан ортиқ путевка берилади.

1959 йилнинг ўтган ойлари ичида марказий ва маҳаллий курорт ҳамда санаторийларга бориш учун 1700 дан ортиқ кишига путевка берилди, дам олиш уйларида эса ҳозир 8 мингга яқин киши дам олмоқда. Бундан ташқари тунги профилактория, альпинистлар ва туристик лагерлар учун 2000 дан ортиқ путевка тарқатилган. Болалар санаторийсида 300 га яқин бола ва пионер лагерларининг биринчи сменасида 9 мингга яқин ўқувчи дам олади.

Областимиз туристлари бу йил катта маршрут билан СССР бўйлаб саёҳат қиладилар, жуда кўп шаҳарларда, денгиз бўйларида бўладилар. Область касаба союз комитети туристик саёҳатга 188 минг сўм маблағ ажратди. Республика касаба союз комитети эса альпинизмни ривожлантириш ишларида фойдаланиш учун область касаба союз комитети ихтиёрига 214 минг сўм пул ўтказди.

З. АХТЯМОВА.

Дўстона мактуб

Яқинда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти физкультура ва спорт факультетининг ўқитувчиси доцент Г. Каган Хитой Халқ Республикасидан хат олди. Каган Пекиндаги физкультура ва спорт институтига юборган мактубида у ердаги ҳамкасбларидан ҳозирги вақтда баъзи касалликларни даволашда қўлланилаётган қадимги нафас олиш гимнастикаси машқлари ҳақида гапириб беришларини сўраган эди. Хитойлик ҳамкасблар Каганнинг ана шу хатига жавобан яқинда дўстлик мактуби ёзишиб, нафас олиш гимнастика машқлари ҳақидаги китобчани ҳам хатга қўшиб юборишди.

Б. ГОЛЬДИН.

Туристлар сафарга тайёрланмоқдалар

Тошкент Давлат Педагогика институтида тажрибали турист А. Сцерлихин раҳбарлик қилаётган туристлар тўгараги яхши ишламоқда. Тўгарак аъзолари туризм техникаси, тартиб ва қоидалари билан мукаммал танишдилар. Ёш туристлар яқинда Чимёнга саёҳат қилдилар. Улар гербарий ва турли тошлардан коллекциялар тўплаб қайтдилар. Улар энди Паркент, Оқтош, Бозмулла томонларга катта саёҳат қилиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

М. ТОНКОНОГОВ.

СУД ЗАЛИДАН

Бундайларга шафқат йўқ...

«Ташэнергострой»да дурадгор бўлиб ишловчи Қобил Зокиров доимо ичкилик ичиб, кишиларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш билан шуғулланиб келган. У ўтган йили ҳам ана шундай жиноятн учун суд ҳукми билан 1 йил муддатга шартли жазога тортилган эди. Лекин бу муддат ҳали тугамай туриб, Зокиров «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек яна жиноятга қўл урди. У яқинда Далимбоев деган киши билан бирга ичади ва унинг мастлигидан фойдаланиб, устидаги пальтосини ечиб олиб, бошқа шахсга сотаётганида қўлга тушади. Бу сафар халқ суди уни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

2-пойафзал фабрикасида ишловчи Саид Косников кўпинча маст бўлиб, безорилик қилиб келган. Яқинда у 11-трамвайга маст ҳолда чиқиб, «ҳунар» кўрсата бошлаган. Трамвайдаги кишиларни ноҳақ ҳақорат қилган. Пассажирлар ва ҳатто милиция ходимлари огоҳлантирса ҳам у номақулчилик қилаверган. Трамвай «Комсомол майдони»га келгач, безори ҳаддан ошиб, милиция ходимини ура бошлаган. Шундан сўнг безори дарҳол милиция бўлимига олиб келинди. Унинг жиноий иши Октябрь район 7-бўлим халқ судида намунали ҳолатда кўрилди. Суд С. Косниковни 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди

Коммунизм қураётган жамиятда яшаб, кишиларнинг шахсий мулкига кўз олайтирувчи, жамоат ўртасида безорилик қилувчи, ичкилик тўфайли турли жиноятлар йўлига кирувчи бундай ҳуснбузарларга асло шафқат йўқ!

М. ҚОСИМОВА,
Тошкент шаҳар Октябрь район прокурори, 1-класс юрист.

Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига келишига доир

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегациясини Совет Иттифоқига дўстлик визити билан келишга таклиф этганликлари бундан олдин матбуотда хабар қилинган эди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети бу таклифни мамнуният ва миннатдорчилик билан қабул қилдилар.

Ўзаро келишувга мувофиқ, Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси Совет Иттифоқига шу йил 8 июнда келади.

Делегация 18 кишидан иборат бўлиб, улар орасида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Вальтер Ульбрихт, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Министрлар Советининг раиси Отто Гротеволь, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Давлат плян комиссиясининг раиси Бруно Лейшнер, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Катта Берлин обер-бургомистри Фридрих Эберт ва бошқалар бор.

А. А. Громико Франциянинг СССРдаги элчиси М. Дежан билан суҳбатлашди

ЖЕНЕВА, 4 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико бугун СССР делегациясининг Женева кенгашидаги резиденциясида Франциянинг СССРдаги элчиси М. Дежанни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимининг мудири С. Т. Базаров қатнашди.

Ҳинди-Хитой бўйича Женева кенгашининг икки раиси учрашди

ЖЕНЕВА, 4 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Ҳинди-Хитой бўйича Женева кенгашининг раисларидан бири сифатида бугун Ҳинди-Хитой бўйича Женева кенгашининг иккинчи раиси бўлган Буюк Британия ташқи ишлар министри Селвин Ллойд билан учрашди ва Лаосдаги аҳвол тўғрисидаги масала юзасидан у билан суҳбатлашди.

Маълум бўлишича, фикр олишув вақтида совет раиси Лаос ҳукумати Женева битимларини бузганлиги натижасида Лаосда рўй берган ҳамда Ҳинди-Хитойда тинчлик ва хавфсизлик иши учун жиддий таҳдид туғдираётган ҳозирги вазиятни назарга олиб, Лаос ҳукуматига икки раис номидан мумкин қадар тезроқ қўшма мактуб юбориб, уни Женева битимларига риоя қилишга чақиришни ҳамда Лаос бўйича халқаро комиссия ўз ишини давом эттира олиши учун у билан ҳамкорлик қила бошлашни Англия томонига таклиф этган.

Эртага бу масала юзасидан иккала раис ўртасида фикр олишув давом эттирилади.

Ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашида

ЖЕНЕВА, 4 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун соат 15-30 минутда ташқи ишлар министрлари Франция делегациясининг резиденциясида учрашдилар ва улар ўртасида навбатдаги ғайри расмий суҳбат бўлди. Суҳбатда кенгашда муҳокама қилинаётган масалалар тўғрисида гаплашилди.

Кечқурун тўрт ташқи ишлар министри Франция ташқи ишлар министри М. Кув де Мюрвиль томонидан бериладиган зиёфатда тўпланадилар.

Телевизор экранида

6 ИЮНДА

19.30. Болалар учун А. С. Пушкин туғилган куннинг 160 йиллигига бағишланган эшитириш.

20.10. Киножурнал.

20.20. Сўнгги ахборот.

20.35. Композитор И. Штраус вафотининг 60 йиллигига бағишланган музикали календарь.

20.50. Бадиий фильм — «Араванинг бешинчи ғилдираги» (бу фильмни 16 ёшга тўлмаган болаларнинг кўришлари тавсия этилмайди).

22.30. Ўзбек куйларидан концерт.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚОҲИРА, 4 июнь. (ТАСС). Қоҳира радиосининг берган хабарига қараганда, бу ерда Жазоир миллий озодлик армияси қўмондонлигининг ахбороти эълон қилинган. Бу ахборотда Жазоирда 26 майдан 31 майгача ўтган вақт ичида бўлган уруш ҳаракатлари тўғрисида хабар қилинади.

Ахборотда айтиладики, ана шу вақт ичида Жазоир миллий озодлик армиясининг қисмлари француз қўшинлари жойлашган ерларга ва коммуникацияларга 25 мартадан ортиқ ҳужум қилдилар. Душманнинг 254 солдати ўлдирилди ва 92 солдати ярадор қилинди. 20 та бронемашина ва самолёт яксон қилинди ҳамда кўп миқдорда ўлжалар олинди. Франция армиясининг 9 солдати Жазоир миллий озодлик армияси томонига ўтди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша залларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 6/VI да **Алишер Навоий**, 7/VI да **Ганг дарёсининг қизи**, қишки бинода: 6 ва 7/VI да **Макр ва муҳаббат.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 6/VI да янги спектакль **Богема**, 7/VI да кундуз **Демон**, кечқурун **Зайнаб ва Омон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 6/VI да **Фарғона ҳикояси**, 7/VI да **Равшан ва Зулхумор.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 6 ва 7/VI да 70 кишидан иборат **Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг концертлари.** Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Икки ютуқ**, кеч 9 да **Ваня.**

«ВАТАН» — кеч соат 9-20 минутда **Икки ютуқ**, кеч 10-50 минутда **Ваня.**

«ИСКРА» — кеч соат 8 яримгача **Икки ютуқ**, кеч 9 дан **Тенгдошлар.**

«ФЕСТИВАЛЬ» — кеч соат 9 да **Булутли тонг**, кеч 10-45 минутда **Икки ютуқ.**

КАФАНОВ НОМЛИ — **Оиласиз.**

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, республиканинг алоқа бўлимлари ва конторалларида, шунингдек уйга хат ташувчи почтальонлар томонидан ҳамда ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика, завод, колхоз ва совхозлардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

«Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида обуна ҳар куни соат 9 дан 19 гача, якшанба кунлари эса соат 9 дан 18 гача қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040.135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048.132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р-05184. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1607.